

БАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

جدید

2025-yil 29-avgust
№ 35 (87)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz



ХУРРИЯТ

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Президент “Ренессанс” ордени билан тақдирланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Ҳусайн 25-26 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.



Самарқанд шаҳридаги Конгресс марказида икки давлат раҳбарининг музокаралари бўлиб ўтди. Дипломатик муносабатлар тарихидаги илк олий даражадаги ташриф икки томонлама ҳамкорликда янги босқични бошлаб бериши ва уни кенг қамровли шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Подшоҳ Абдулла II томонидан бундан 10 йил олдин бошланган “Ақаба жараёни” ташаббусини юқори баҳолаб, навбатдаги йиғилишларидан бирини Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф этди.

Самарали музокаралар якунида Шериклик муносабатларини мустақамлаш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди ва икки томонлама 15 та ҳужжат имзоланди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Иорданиянинг “Ан-Наҳда” (“Ренессанс”) ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔

ЖАРАЁН



МУЛОҚОТ ЭҲТИЁЖИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан август давомида юртимиз бўйлаб “Умуммиллий бирдамлик фестивали” ўтказилди. Фестиваль Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маърифий тадбир доирасида 150 га яқин ижтимоий, маънавий-маърифий лойиҳа амалга оширилди ва 100 минг нафардан зиёд аҳоли қамраб олинди. Мазкур лойиҳаларга фан, адабиёт, маданият ва санъат со-

ҳалари вакиллари ҳамда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари жалб этилди. Улар орасида Нарзулла Жўраев, Абдухалил Маврулов, Жамила Шермухаммедова, Зулфия Мўминова, Бобур Бобомурод, Фароғат Худойкулова, Гавҳар Зокирова, Замира Суёнова, Гулбаҳор Эркулова, Турғун Бекназаров, Алишер Рўзметов, Азиз Ражабий каби ўз соҳасининг усталари борлиги учрашувларнинг кўтаринки руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Ушбу фестиваль манзилларини танлашда марказдан узоқда бўлган туман-шаҳарлар, олис қишлоқ ва овуллар, йирик sanoat корхоналари, ҳарбий қисмлар, шифохоналар, “Мурувват уйлари”, болалар оромгоҳларига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 8-саҳифада.) ➔

ИФТИХОР



“АВАЗА”НИНГ ОВОЗАСИ

Бугун дунё қалқиб турибди. Мушдек заминнинг турли пучмоқларида гоҳи нотинчлик, гоҳи тортишув ва жанжалларни эшитиб, телевидениеда кўриб, тўғриси, бошидан қаттиқ кунларни ўтказган, қаҳатчилик замонларни кўрган биздек мўйсифидлар юрак ҳовучлаб ўтиради. Инсоният учун бу оламда тинчлик ва хотиржамликдан кўра буюкроқ неъмат йўқ. Хотиржам одам бунёдкорлик ишлари, ижод ва санъат билан машғул бўлади. Эл-юртида, оиласида тинчлиги бўлган одамнинг еган луқмаси томоғидан

ўтади, ичига тушади. Юзлари ёришади, руҳи ором олиб, жисми турли маразлардан холи бўлади.

Мен бугунги Янги Ўзбекистоннинг маънавий об-ҳавоси ҳар қандай инсон қалбига ором беришини, бунёдкорлик билан шуғулланиш имконини тақдим этаётганини кузатиб, беҳад қувонаман. Эл-юртимиз, хусусан, Президентимиз ҳақида эзгу дуолар қиламан. “Ёмғир билан ер кўкаради, дуо билан эл”.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔

БАТАН МАНЗУМАСИ



Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД,
Ўзбекистон халқ шоири

Жонимсан, ЎЗБЕКИСТОНИМСАН!

Тан оғриб, қон кўпчиб, ингранади жон
Яланг оёғимга санчилса тикан.
Ўзни сендан ўзга санамадим мен,
Танимсан, қонимсан, жонимсан, Ватан!

Тан – кўзга кўринган савлатим менинг,
Қоним-чи, жонимга, руҳимга маскан.
Алқовга сўз етмас васфингни сенинг,
Танам ичиндаги танимсан, Ватан!

Миллион йил саҳрода чечаклар сочган
Сир, Сурхон, Зарафшон, Ўқуздарёсан.
Момом желагига жиғадек санчган
Бинафша гулимсан, дилимсан, Ватан!

Жон – Аллоҳ неъмат: биз учун иқбол,
Эркин руҳ – инсонни юксалтирган шаън.
Халқимнинг камоли, бахти Истиқлол,
Жоним ичиндаги жонимсан, Ватан!

Бахтим қулди менинг, давлатим келди,
Қадрим баланд бўлди.
Шавкатим келди,
Дунёга чиқишга навбатим келди,
Ўзбекистонимсан, шонимсан, Ватан!

(Давоми 2-саҳифада.) ➔

МУНОСАБАТ

“ЎЗИЛМАС ТОРЛАРИМ, СИНМАС СОЗЛАРИМ!”

Куни кеча отамнинг сўнгги кунлари кечган, бекиёс асарлари ёзилган, бир-биридан ширин, азиз хотираларга гувоҳ бўлган қадрдон ҳовлида тақдирлаш маросими ўтказилди. Ҳозирда Тўра Сулаймон номидаги муҳташам уй-музейга айлантирилган хонадон ҳовлисида отамизнинг салобатли ҳайкали кўр тўкиб турибди. Шу ерда тўпланган мухлислар, ҳамқишлоқлар ва ёру дўстлар гувоҳлигида масъул шахслар Президент фармонини ўқиб эшиттирди ҳамда юсак мукофотни менга тантанали равишда топширди. Уша лаҳзада қалбимда ифтихор ва ғурур туйдим, бир вақтнинг ўзида отамни жуда соғиниб кетдим.

Албатта, музей жойлашган кўча, қишлоғимиздаги 19-сонли мактаб, Гулистон марказидаги амфитеатр отам номи билан аталиши, замонавий уй-музейи барпо этилиши, муаззам ҳайкали қад ростлаши, шунингдек, адабиёт ихлосмандлари учун қимматли бўлган асарларининг салмоқли адабларда қайта чоп этилиши бизни хурсанд қилади. Турли адабий йиғинларда ҳам отамизнинг миллий адабиётга қўшган муносиб ҳиссаси алоҳида ургу билан таъкидланади. Ҳар йили кўкламда уй-музейимизда “Кетма, баҳор, менинг боғимдан” шиори остида адабиёт байрамнинг ўтказилиши анъанага айланган.

Тантанада опам Зарифа Мусулмонкулова, Гулистон давлат университети профессори Равшанбек Маҳмудов, Ёзув-

чилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими раҳбари Норинисо Қосимова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдунаби Бойқўзиев, “Ишонч” газетаси муҳбири Баҳор Холбековалар отам ҳақида самимий хотираларини ўртоқлашди. Унинг мустабид тузум даврида ҳам ҳақ сўзни айта билгани, “Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади” туркуми, ўлмас асарлари ва халқона шеърлари ёдга олинди.

Кўпчилиққа маълумки, Ҳукумат қарори билан вилоятимизнинг чекка ҳудудида гўзал маънавий маскан – Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон уй-музейи ташкил этилди. Бугун ушбу уй-музей нафақат оиламиз, балки бутун халқимиз учун ўзгача зиёратгоҳга айланган. Айни чоғда бу ердан адабиёт муҳибларининг оёғи узилмайди: турли ҳудудлардан, ташкилотлардан адабиётсеварлар келиб, отамиз ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишапти.

“Фидокорона хизматлари учун” орденининг берилиши отамиз хотирасига кўрсатилаётган юсак эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. У киши шу элдан сўз олган, куч олган, руҳ олган, юртини ҳамиша ардоқлаган чинакам шоир эди. Давлатимиз томонидан берилаётган бундай эътибор, эътироф, юрдошларимизнинг самимий хурмати, меҳри отам Тўра Сулаймон шахсининг халқимиз қалбидан алоҳида ўрин олганидан дарак беради.

Мирза СУЛАЙМОНОВ,
Халқ депутатлари Сирдарё вилояти
Кенгаши депутати





Бошланиши 1-саҳифада.

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мукофотлар топширилди

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 34 йиллиги муносабати билан мукофотланган шахсларга фахрий унвон, орден ва медалларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари барчани, аввало, Мустақиллик байрами билан табриклар экан, мамлакатимизда эришилаётган натижаларнинг асоси, саъй-ҳаракатларнинг моҳияти ҳақида алоҳида тўхталди.

— Ўтган саккиз йилда ялли ички маҳсулотимиз шиддат билан ўсиб, 115 миллиард долларга етди. Бугун битта рақамни биринчи марта айтмоқчиман: Халқаро валюта жамғармаси прогнозига кўра, бу йил иқтисодийтимиз ҳажми 130 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда. Яъни, илгари бундай ўсиш, бундай юксак эътироф ҳеч қачон бўлмаган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бундай натижаларга тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, замонавий саноат мажмуалари барпо этилаётгани, “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтилиб, муқобил энергия манбалари яратилаётгани, ахборот технологиялари, туризм ва молиявий технологиялар каби хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожлантирилаётгани замин бўлмоқда.

Юртимизда замонавий шаҳарлар қад кўтармоқда, қишлоқ ва маҳаллалар обод бўлмоқда. Ўтган саккиз йилда аҳоли учун 500 мингга яқин квартираларни қўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу мустақилликнинг дастлабки 25 йилига нисбатан тўрт карра кўп. Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқларни, йўлларни обод қилиш учун 60 триллион сўм маблағ сарфланди. Ёки, 130 миллиард доллар хорижий сармоя кириб келди, 100 мингдан ортиқ инвестиция лойиҳалари ишга туширилди, 7 миллиондан зиёд аҳоли даромадли бўлди.

Шу муддатда ижтимоий инфратузилмага олдинги йилларга нисбатан олти карра кўп маблағ йўналтирилди. Натижада боғча ўринлари 720 мингдан 2,5 миллионга етказилди. 466 та янги мактаб қурилиб, 1 миллион ўқувчи ўрни яратилди. Талабалар сони 279 мингдан 1,5 миллион нафарга оширилди, олий таълимда қамров 42 фоизга олиб чиқилди.

Президент жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган ватандошларимизни ҳам табриклади.

Янги аэропортга ташриф

Президент Шавкат Мирзиёев 27 августда “Тошкент-Шарқий” аэродроми негизда барпо этилган янги аэропорти бориб кўрди.

Аэропортнинг умумий майдони 561 гектар. 4 километр узунликдаги учиш-қўниш йўлга ва 3 та ҳаракатланиш йўли янгиланиб, энг оғир самолётлари ҳам қабул қилиш қувватига эга бўлди. 20 та “хаво кемаси”га мўлжалланган перрон барпо этилди. “Boeing-787”, “A-320” каби самолётлар, бизнес-жетлар ҳамда вертолётлар учун ангарлар қурилди. Бу уларнинг қишда илқ, ёзда салқин сақланиши ва хавфсизлигини таъминлайди.

Аэропортда VIP ва соатига 100 нафар йўловчини қабул қилиш қувватига эга СІР терминаллар бунёд этилган. Муҳими, аэропорт ІCAO ІІІ-А тоифасидаги илғор радиотехника ва метеорология ускуналари билан жиҳозланган. Бу нуқлай об-хаво шароитларида ҳам учиб ва қўниш имконини беради.

Ушбу объект қулай жойлашуви туфайли пойтахт ва Янги Тошкент шаҳри учун муҳим транспорт хабига айланади.



Ўзбекистон Миллий музейи

қурилишига тамал тоши қўйилди

Музей Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси шафелигида Япониянинг “Tadao Ando Architect & Associates” архитектура бюроси ҳамда Германиянинг “Atelier Brückner” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган.

Унинг ташки қиёфаси айлана, тўртбурчак ва учбурчак шаклида бўлиб, Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзида уйғунлаштиради. Махмуа 3 қаватли музей, 2 қаватли ертўла ҳамда ёрдамчи бинолардан иборат бўлади. Иншоот Хитойнинг “CSECE International Construction” компанияси томонидан қурилади.

— Бу музей уч минг йиллик бой тарихимизни одамларга, дунё ҳамжамиятига ва келажақ авлодга етказадиган илм-маърифат ва маданият маскани бўлади, — деди Давлат раҳбари.

Бундай маҳабатли музей юртимиз тарихида илк бор барпо этилмоқда. Унинг умумий майдони 40 минг квадрат метр бўлади. Кўргазма заллари, кутубхона, реставрация лабораториялари ва экспонатларни сақлаш хоналарида энг замонавий қўлайликлар ташкил этилади. Бундан ташқари, 4 минг квадрат метр майдонда конференция заллари, аудитория ва ресторанлар, болалар майдончалари жойлашади.

523 нафар шахс афв этилди

Давлатимиз раҳбари Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинганининг 34 йиллигини нишонлаш арафасида “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонни имзолади.



Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан жазо муддатини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 523 нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг 195 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, 147 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, 87 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 94 нафар шахсга таъинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 8 нафарини чет эл фуқаролари, 45 нафарини аёл, 31 нафарини 60 ёшдан ошган эркак, 220 нафарини ёшлар (шулардан 1 нафари воёга етмаган) ҳамда 15 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Ўз мухбиримиз

“АВАЗА”НИНГ ОВОЗАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Минг йиллардан бери тилдан-тилга кўчиб келаётган бу ҳикматнинг ҳаётий ифодасини мендек ёши улуг инсонлар ўз кўзлари билан кўриб турибди.

Нима демоқчиман? Адолатли, ҳақгўй, маърифатпарвар, олимпарвар бир инсон бўлса ва у давлатни бошқарса, назаримда, жамият ҳаётининг жуда кўплаб жабҳалари гуллаб-яшнайдиган. Фуқаро ҳаловатда яшайди. Мен мухтарам Шавкат Мирзиёевни кўп йиллардан бери билман.

Ёнма-ён бирга ишлаганмиз ҳам. Шу жараёнларда ғайрат ва шижоатига, меҳнаткашлиги ва ёнидаги инсонларга нисбатан холис ҳамда адолатли муносабатига жуда кўп гувоҳ бўлдим. Бугун эса бу инсон фитратидида айни фазилатлар халқаро кўламга кўтарилди, Республика халқининг турмуш тарзидаги муаммоларни адолатли ҳал этишда асосий ўринга чиқди. Зотан, бу гениал хислат, лидерлик дунё аҳли томонидан эътироф ҳам қилинмоқда.

Бунинг исботи шуки, бир ой аввал Туркменистон Президенти қарори билан “Ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” ордени — нуфузли халқаро мукофот билан тақдирланди. Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимухамедов бизнинг Президентга ўша мукофотни тақдим этаётган маҳали, тўғриси, беҳитиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Айниқса, Президентимиз бу берилган мукофотни ўзбек халқига аталган сийлов-мукофот эканини айтганларида, гарчи оёқларимда бироз оғриқ бўлса ҳам, секингина ўрнимдан ҳам турдим, қарсак ҳам чалдим, тўғриси.

Чунки “Ҳой” деса овози етиб бориб-етиб келадиган яқин қўшни мамлакатларнинг раҳбарлари ўзаро яқинлик, оға-инилик, қон-қардошлик илдишларини ҳар он эслаб туришса, назаримда, бугунги глобаллашган замонда энг оқил ва доно сиёсат айнан мана шудир.

Кечагина юртимизнинг раҳбари яна Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати раиси Гурбангули Бердимухамедов тақлифига кўра Туркменистонга — Авазага борди. Бу сафар уч мамлакат — Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжон республикалари ўртасидаги жиддий масалалар муҳокама қилинди. Менимча, бу учрашув ҳам ҳар учала мамлакат учун жуда муҳим бир анжуман, албатта. Раҳбарларнинг юзи-кўзларида, ОАВга берган интервьюлардаги сўзларида самимият, мамнуният яққол сезилди.

Мен ўз вақтида давлатлараро ўтказиладиган бундай анжуманлар иштирокчиси бўлганман. Айниқса, мамлакат миқёсидаги ҳужжатларни имзолаш, келажақда уларни ҳаётга татбиқ этиш — осон иш эмас. Расмий ҳужжатга имзо қўйилгандан кейин унинг масъулияти бўлади. Расмий ҳужжат — бу бир парча қоғозда имзо, имзо ва муҳр. Аммо шу бир парча қоғозда инсонларнинг ҳаёт йўлига, тирикчилигига, мамлакатлар ободлигига тааллуқли жуда кўп масалалар ўз ифодасини топган бўлади. Ўтган учрашувларда таълим соҳасига эътибор туфайли Тошкентда жуда кўплаб туркменистонлик талабалар таълим ола бошлашди. Ўзбек олимларининг билими, қалб нури қўшни республикадан келган ёшлар шуурини ёрита бошлади. Маърифат ёшларни бирлаштиради. Икки йил олдин Озарбайжон Республикасининг Фузулий шаҳрида Президентимиз озарбайжон ўқувчиларига юртдошимиз, коинотшунос аллома Мирзо Улуғбек номидаги махсус мактабни қуриб совға қилди. Бу ҳам меҳр ва мурувват ҳосиласи саналади. Мактабга, таълимга, илм-фанга берилган эътибор ортидан оғир ва енгил саноат, туризмнинг турли йўналишлари аста-секин тараққий этади. Дунёдаги барча одил ва доно раҳбар ўз миллати, халқи фаровонлиги, тинчлигини ўйлайди.

Назаримда, шу эътибордан Туркманбоши шаҳри яқинидаги улкан туристик масканлардан бири бўлган Авазда ташкил этилган халқаро анжуман ўз кадр-қийматига эга. Ҳар учала мам-




Оқил САЛИМОВ,
академик

лакат раҳбарлари Каспий денгизи билан боғлиқ логистика ва юк ташув масалаларини, қимматбаҳо ерости бойлиқларини биргаликда ўзлаштириш, шунингдек, саноатнинг бир қанча жабҳаларида ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилишди. Бундай ишчанлик руҳи билан йўғрилган муҳокамаларнинг барчаси қардошлик, қўшничилик, дўстлик, ҳамкорлик ришталарининг яна ҳам мустақамланишига асос бўлади, албатта. Ўзбекистон, Туркменистон ва Озарбайжон Республикалари раҳбарларининг “Аваза” учрашувидидаги ўзаро қон-қардошлик ва ҳамкорлигининг ибратона овозаси бутун дунёга тарқалишини тилайман.

Бизга шундай толе ато этган Мустақиллигимиз бунёдкор халқимизга муборак бўлсин, доимо хушхабарлар йўлдошимиз бўлғай, деб дуо қилиб қоламан!

ДИЛ СЎЗИ

Ҳар қандай юртнинг буюклиги, давлатнинг тараққиёти ва миллатнинг шухрати, аввало, маънавиятга таянади. Чунки маърифатсиз инсон ҳам, миллат ҳам бир кун келиб ўзлигини йўқотиши тайин. Шунинг учун ҳам мухтарам Президентимизнинг барча ижтимоий-сиёсий ислохотлари, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари негизда айнан халқ маънавиятини юксалтириш ғояси мужассамдир.



ТАНСИҚ УМР ҚАДРИ

Мен саксон беш ёшга қадам қўйган, умрини адабиётга бағишлаган бир мўйсафид сифатида айтаманки, бутун ҳаётим давомидаги навоийшунослик, бобуршунослик, матншунослик йўлидаги камтарона фаолиятим “Меҳнат шухрати” ордени билан сийлангани қалбимни фараху сурурга тўлдирди ва масъулиятимни он қадар оширди. Бу орден — шахсий эътироф эмас, балки бутун илмий жамоатчиликка, адабиёт аҳлига, китобхон халқимизга берилган юксак эътибор рамзидир.

Биргина орузм бор — элимиз, айниқса, ёшлар мумтоз адабиётимиз дурдоналарини, сўз санъатининг юксак намунаси бўлмиш асарларни ўзи англайдиган, ҳис этадиган тарзда мутулаа қилсин. Бу йўлда барча саъй-ҳаракатларимни саҳиҳ матн яратишга, асарларнинг ҳақиқий маъносини халқимизга етказишга бағишлаб келялман. Чунки ҳар бир оғиш, ҳар бир ноаниқлик буюк аждодларимиз меросига хиёнат бўлиши мумкин.

Миллатимиз даҳолари — ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ва беназир шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг асарлари биз учун нафақат адабий мерос, балки умуммиллий маънавиятимиз пойдеворидир. Президентимизнинг ушбу икки буюк сиймо меросини халқимиз орасида кенг тарғиб этиш, унинг серқирра маъноларини ёш авлод қалбига синдириш ҳақидаги тарихий фармонлари ижросида камарбаста бўлиш мен учун ҳам шараф, ҳам муқаддас бурчдир.

Ҳазрат Навоий: “Аллоҳ Одам боласини маърифат учун яратди”, деб бежиз таъкидламаган. Бу сўзлардан шундай маъно чиқадики, инсоннинг ҳақиқий қиёфаси унинг илмида, маънавий дунёсида, китобхонлик маданиятидадир. Шу боис, ҳар гал дарсга қираркан, талабаларимга: “Китобхон бўлинг, маърифат йўлини танланг, қалбингизни адабиёт билан бойитинг”, дейман.

Не бахтим, бутун умрим китоб соясида ўтмоқда. Биз аччиқ-чучук кунларни кўп кўрдик. Ёшларимизга “Бу тансиқ умр қадрига етинг, минбаъд армон кўнглингизга соя солмасин”, дейман. Ҳумо қуш бошимизда абад парвоз қилаверсин!

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
“Меҳнат шухрати” ордени совриндори

Жонимсан, ЎЗБЕКИСТОНИМСАН!



хоя қувончга тўлади. Янги Ўзбекистон бунёдкори бўлган Президентим Бердақ бобомизнинг:

**Йигит деган яхши,
билимдон бўлур,
Билим, хунар йигит учун
жон бўлур,
Ақлсизлар иши кўп ёмон бўлур,
Нодонлар ҳеч хизмат қилмас
халқ учун, —**

Бошланиши 1-саҳифада.

Дўстлар, менинг давлатим келди, бахтим қулди! Мухтарам Президентимнинг Фармонида биноан мустақиллигимизнинг 34 йиллиги муносабати билан “Ўзбекистон халқ шоири” фахрий унвонига лойиқ кўрилганимдан бошим осмонга етди! Бу мукофотни Ватанимнинг, халқимнинг ишончи, дея қабул қилдим. Айни пайтда, мендек бир ижодкорга Президентимнинг кўрсатган эътиборини қорақалпоқ адабиётига нисбатан юксак эътибор деб биламан. Бу менга жуда катта бурч ва масъулият юклайди.

Президентим фармони эълон қилинганда мукофотланган юртдошларимиз қаторида менинг ҳам номим борлигини кўрган оила аъзоларим, туғишганларим, ижодкор дўстларим, элдошларим мендан ҳам кўпроқ севиинишди. Сўз, адабиёт, китоб қадрини ҳамма нарсадан юқори қўядиган, қалби доимо бедор яқинларимнинг нақадар қувонганини сўз билан ифодадай олмайман.

Мухтарам Шавкат Миромонович қорақалпоғистонликлар билан учрашувларда “Бўзатов”, “Айдинлар”, “Дембермес” деган қорақалпоқ халқ кўшиқлари, Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов каби улкан шоир ва адиблар китоблари билан танишлиги ҳақидаги самимий сўзларини эшитганимда қалбим бени-

деган шеърини ёд ўқиганларида бағоят ҳаяжонланиб кетганман.

Ўтган йили Президентим қарори билан Ажиниёз бобомиз таваллудининг 200 йиллиги Ўзбекистон ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида Ажиниёз асарлари нашр этилди, шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган бадийий фильм яратилди ва кинотеатрлар, санъат саройларида намоиш қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуслари билан ўзбек тилида нашр этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” номли юз жилдлик муҳташам китоблар жамланмасида қорақалпоқ мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарига беш жилд ажратилган. Унга менинг дostonим ва шеърларим ҳам киритилганидан бошим осмонга етган.

Қорақалпоғистонлик пири бадавлат отахон ва онахонлар қўлларини фотиҳага очган ҳар лаҳзада: “Президентимиз доимо соғ-омон бўлсин, юртимиз тинч бўлсин, давлатимиз зиёда бўлсин, халқимизнинг бахтига кўз тегмасин!” дея Худодан сўраб дуо қиладилар. Илоё, дуолари ижобат бўлғай!

Юрагимда жўш ураётган миннатдорлик туйғуларини, Президентимга ва Ўзбекистон халқига раҳматимни мана энди енг шимариб, келгуси ижод намуналаримда ифодалашга аҳд қилиб қўйдим!



ФОРУМ

Сўнгги йилларда хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.



ҚАРДОШЛАР ҚУТЛОВИ

ЭЛ-ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ
ЙЎЛИДА БИРДАММИЗ!

Серикбай УСЕНОВ,
Ўзбекистон қозоқ миллий
маданий маркази раиси:

— Муҳтарам Президентимиз Халқлар дўстлиги куни муносабати билан йўллаган байрам табригида “Дунёнинг турли минтақаларида миллий ва диний асосда турли низолар давом этаётган ҳозирги ўта таҳликали шароитда ягона Ўзбекистон ғояси асосида энг катта бойлигимиз — юртимиздаги осойишталик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, билим-маърифат, касб-хунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамойилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз”, дея таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, Янги Ўзбекистонимизда миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар барча юртдошларимиз учун яшаш, таълим олиш, меҳнат қилиш, давлат ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этиш учун тенг шароит яратилган. Мана шу жаннатмонанд юрт фарзандларининг бири сифатида қозоқ миллати вакиллари ҳам тинч-тотув, дўстлик ва биродарликда фаровон ҳаёт кечирмокда.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўзаро ҳамжиҳатлик, дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, узоқ-яқин давлатлар билан Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида кенгайтирилаётган алоқаларга биз ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўша олсак бундан чексиз бахт ҳиссини туямиз. Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшаси обод масканга айланмокда. Хали Ватанимиз бундан-да ривожланиб, юксак натижаларга эришади. Биз жипс бўлиб ҳаракат қилсак, олий мақсадимизга албатта эришамиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча бовурдошларимни байрам билан табриқлайман!

Мобил МАМЕДОВ,
Ўзбекистон озарбайжон
миллий маданий маркази
раиси:

— Ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ риштасининг тарихий илдизлари минг йилликларга бориб тақалади. Тил, маданият, анъаналар ўртасидаги яқинлик бугунги ҳамкорлигимизнинг мустаҳкамланишига хизмат қилмокда.

Икки дўст давлатнинг Президентлари томонидан олиб борилаётган сиёсат ижтимоий-сиёсий, маданий, адабий муносабатни янги босқичга олиб чиқишда муҳим қадам бўлмокда.



Икки халқ ўртасидаги дўстлик ҳақида гапирар эканмиз, Навоий ва Ғолинийнинг маънавий устоз-шогирдлик риштасини, Абу Али ибн Сино таълимини олиб йирик олим бўлиб етишган Баҳманёр Озарбайжонийнинг шухратини, XX аср бошидаги жадидлар ташаббуси билан йўлга қўйилган таълим ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни эсламай бўлмайди. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари ҳам бежиз ёзилмаган:

Ўзбекман, анеламай

қаёққа бордим,
Шу инжа озарий тилни, забонни.
Дўстлик бу — муҳаббат
янглиғ фараҳким,

Билгай у на ҳадни ва на довонни.
Вургуннинг шеъри деб
жон чекса ўзбек,

Озар ҳам аярми

Ғафурдан жонни...

Ўзбекистон мустақиллигининг 34 йиллиги билан барча қардошларимизни муборакбод этаман! Икки елкадош халқ ҳамкорлиги абадий бўлсин!



Гуландом СУБХАНОВА,
Ўзбекистон тожик миллий
маданий маркази раиси:

— Мамлакат мустақиллиги бу шунчаки байрам эмас, бу муқаддас издиҳомдир. Ҳар йили юртимизда турли тадбирлар ва байрамлар ўтказилади. Лекин Ватанимиз Мустақиллиги куни алоҳида ғурур ва шараф билан нишонланади.

Сабаби, Ўзбекистонда бугун турли миллат вакиллари тинч-тотув, осойишта ва фаровон ҳаёт кечиришмокда. Уларнинг давлат ва жа-

моат ишларида фаоллиги, Ватан тақдирига бефарқ эмаслиги барчамизга гурур бағишлайди.

Ўзбек-тожик халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, қадрият ва анъаналари муштарак бўлган эл ҳисобланади.

Сўнгги йилларда минтақамиздаги давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилиб, дунё сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Шу йил март ойида Ўзбекистон — Қирғизистон — Тожикистон чегаралари ўзаро туташган нуқтада “Дўстлик” стелласи ўрнатилгани яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир ёрқин даълолатдир. Ахир, “икки тилда сўзлашувчи бир халқ” деган таърифлар бекорга айтилмаган ва бу ҳаётда ўз исботини топмокда. Бунинг қадрига етишимиз, Ватанимиз раванқига ўз ҳиссамизни қўишимиз зарур ва шарт!



Гулдона АВЕЗДУРДИЕВА,
Ўзбекистон туркман миллий
маданий маркази раҳбари:

— Барчамизга маълумки, миллатларнинг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, тиллари бир-биридан фарқланади. Лекин Ўзбекистонда яшаб келаётган биз — турли миллат ва элат вакиллариининг мақсади бир — тинч, осойишта, хотиржам, ўзаро тотув, аҳил бўлиб яшаш.

Республика туркман маданий маркази ҳамда 200 мингдан ортиқ туркман миллатига мансуб фуқаро шу табаррук диёр тараққиёти йўлида меҳнат қилиб, тинчлик ва хотиржамликда истиқомат қилиб келмокда.

Ўзбек-туркман халқлари азалдан дўсту биродар бўлиб яшаган. Қиз олиб-қиз беришган, қон ришталари боғланган. Бу ришталар бугун икки дўст давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати туфайли янада мустаҳкам бўлиб бораётир.

Қайсики давлатда миллатлараро муносабатлар мустаҳкам экан, у юрт, албатта, раванқ топгусидир. Яқинлашиб келаётган муқаддас байрам — Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги барчамизга кутли бўлсин! Бирдамлик ва ҳамқадамлик барқарор бўлгай!

Зарнигор ИБРОҲИМОВА
ёзиб олди.

УММОН ОРТИДА ҲАМ
БАЙРАМ ШУКУҲИ

Нью-Йорк штати Сиракуз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси ҳамда “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган “Ватандошлар минтақавий форуми” ҳам ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Чунончи, инсон қаерда бўлмасин, ўз Ватанига садоқат билан хизмат қилиши, Ватан эса фуқароларини ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмаслиги керак.

Ушбу форум ҳам жамиятимиз учун нафақат маънавий бирлашув нуқтаси, балки амалиётда янги ҳамкорлик йўллари очиб берувчи стратегик майдон вазифасини ўтади. АҚШ ва Канадада истиқомат қиладиган уч юз нафарга яқин ватандошимиз иштирок этган форумда Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмита раиси Қаҳрамон Сариев нутқ сўзлади.

Унда тадбиркорлик платформаларини яратиш, экологик барқарорлик, сифатли таълим каби масалаларда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш мақсадида илмий доиралар вакиллариининг доимий мулоқоти “Uz Global Think” форуми орқали йўлга қўйилиши, хориждаги ватандошлар билан алоқалар соҳасида давлат сиёсати Концепциясининг янги лойиҳаси, академик доирадаги шахслар, уларнинг ҳаёт йўли, муваффақиятлари, Янги Ўзбекистон тараққиётига хизмат қиладиган тавсияларидан иборат мақолалар жойлаб бориладиган

“Қаерда яшамасин, ҳар бир ватандошимиз — Ватанимизнинг ажралмас бир бўлаги, унинг маънавий элчиси, ифтихори ва умидидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

“Who Is Who?” лойиҳаси хусусида маълумот берилди.

Форумда хориждаги ватандошларнинг Ўзбекистон тараққиётидаги роли ва ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, талабалар, ишбилармон-тадбиркорлар, олимлар ва бошқаларнинг ватан билан боғлиқлигини янада кучайтириш масалаларида фикрлар, таклифлар ўртага ташланди.

Шунингдек, “Таълим ва инновацион иқтисодиёт” шўъбасида ёшлар салоҳияти ва таълим тизимида ҳамкорлик масалалари, “Рақамли технологиялар ва интеграциялашув” шўъбасида ахборот технологиялари соҳасидаги янгиликлар, рақамли хизматлар ва трансмиллий интеграция имкониятлари кўриб чиқилди. Ижтимоий тараққиёт ва маданият йўналишида миллий меросни асраб-авайлаш, маданий алоқаларни кенгайтириш, жамиятда ўзбеклар имижини юксалтириш бўйича фикр алмашилди.

Сиракуз форуми миллий дипломатия, иқтисодий ҳамкорлик, маданий интеллектуал қувватни бирлаштирган муҳим воқеадир.

Форум доирасида нафақат Нью-Йорк, балки АҚШдаги нуфузли олийгоҳлардан бири ҳисобланган Сиракуз университети билан ҳамкорликда талабалар алмашинуви, қўшма илмий тадқиқотлар, профессорлар маърузалари йўлга қўйилиши масалалари муҳокама қилинди. Бу ёшларимиз учун улкан имконият, Ватанимиз таълим тизими учун эса тажриба ва инновациялар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Форум нафақат диаспора ҳаётини бирлаштирди, балки Ўзбекистоннинг халқаро сиёсий нуфузини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Бекзод ШУКУРОВ,
Миллатлараро муносабатлар
ва хориждаги ватандошлар
масалалари бўйича қўмита
раисининг ўринбосари



МАМНУНИЯТ

ОТАМ ҲАЁТИНИНГ МАЗМУНИ

Мен профессор Бегали Қосимовнинг кенжа фарзандиман. Отамнинг ўзбек адабиёти олдидаги, хусусан, жадидлик тадқиқоти борасидаги хизматларини аста-секин англаб бормоқдаман. Чунки Бегали Қосимовнинг айнан ўзбек матбуотидаги адабий-ижтимоий мақолалари юзасидан тадқиқот олиб бориб, диссертация ҳимоя қилдим.

Отам 60-йиллар аввалида ҳали атрофлича ўрганилмаган, жуда чигал бўлган даврдаги бир адабий сиймо, яъни Сиддиқий-Ажзий ҳаёти ва ижоди бўйича диплом ишини ёзди. Кейин эса, “Мирмуҳсин Шермуҳамедов (Фикрий) ва унинг адабий муҳити” мавзусида номзодлик дис-

сертациясини ҳимоя қилади. Шу-шу, жадидлар даври, адабиёти, театри, маданияти, тили, сиёсати отам учун умр мазмунига айланади.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ҳимоя қилган докторлик ишининг мавзуси “Ўзбек инқилобий поэзиясининг майдонга келиши ва тараққиёти” деб номланади. Авроранинг тўллари ҳақида ташбехлар битилаётган, етти отасини унутаётган даврлар... Табиийки, бундай даврда жадидлик, янгилик, миллий ўзлик каби атамаларни қўлаб бўлмас эди. 1983 йилда отам “Излай-излай топганим” китобини чоп этади. Бу асарда янги номлар тўғрироғи, унутилган, миллатимиз гуллари бўлган 86 нафар маърифатпарварнинг ижоди ва биогра-

фияси ҳақида илк маълумотлар берилади.

Кечагидай эсимда, Ўзбекистон мустақилликка эришганда раҳматли отам жуда суюнган. Отам ўрганган даврни шундан кейин ўз номи билан атайдиган, қўрқмасдан катта аудиторияга мос материалларни тайёрлайдиган, энг асосийси, истиқлол, ҳурлик, озодлик туйғулари ота-боболаримиздан мерослигини тортинмай айта оладиган бўлган эди.

Аммо шундай даврлар бўлдики, “жадид” сўзини тилга олиш имкони бўлмади, Бегали Қосимов номи матбуотда тақиқланди. Шу боис баъзан онам номидан ва кўпинча “Бек Муҳаммад Мурод”, “Б.Қосимбеков” имзолари билан мақолаларини нашр қилишда давом этди. Чунки у киши

учун шахсий обрўдан кўра манфаатли материалнинг халққа етиб бориши муҳим эди.

Отам қийинчиликлардан бирон марта нолиганларини эслолмайман. 60 йиллик юбилейида дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири эканини таъкидлаган. Негаки, шундай Ватанда туғилганидан, ўзи севган касбда ишлашдек бахтга мушарраф бўлганидан бахтиёр эди. Ҳатто, қийин давларда хорижда, тўқис шароитда ишлаш таклифлари тушганда ҳам юртини, университетини, севишли талабаларини кўзи қиймади. Таниқли шоиримиз Абдулла Орипов дўсти Бегали Қосимов тақдири ҳақида шундай деган эди: “Бегали унутилаёзган, тупроқ ва лойга қоришиб кетган жадид боболаримизни артиб, тозалаб,



авайлаб оммага олиб чиқди...”

Отам вафотига 21 йил бўлди. Ҳақиқат юз очди, бугун отамизнинг меҳнатлари эъзоз топаётганидан бағоят мамнунмиз. Бутун оиламиз, қариндош-уруғлар, ҳамкасблар ҳам хурсанд.

Юртбошимиз томонидан “Фидоко-


рона хизматлари учун” орденининг тақдим этилгани отамнинг умр мазмуни учун берилган сийлов, албатта. Оиламиз номидан муҳтарам Президентимизга салимий миннатдорлигимизни билдираимиз.

Шоҳруҳ ҚОСИМОВ



СУРУР

ФАХР ВА БУРЧ



Бобур ЙЎЛДОШЕВ,
“Дийдор” театр-студияси
бадний раҳбари

Мен шу буюк юртда туғилганимдан ҳамда Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Римма Аҳмедованинг фарзанди эканимдан фахрланаман. Бу ифтихор ўз навбатида “Шу мақомга лойиқманми? Ота-онамга қанчалик раҳмат келтиряпман?” деган саволларни кўяди олдимга.

Санъатсеварларга маълумки, “Дийдор” театр-студиясини 2009 йили отам ташкил этган ва умрининг охирига қадар раҳбарлик қилган. Бу студия кўлаб истеъдодлар учун кашфиётлар майдони бўлган ва ҳозиргача шундай бўлиб келмоқда. Шу сабабли ҳам “Дийдор”га раҳбарлик қилиш зиммамга икки қарра масъулият юклайди. Театр фаолиятида янги ва яхши йўллар кашф қилишга интиламман. Худди ота-онамдек санъатга фидоийлик билан хизмат қилишга, бор имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. “Дийдор” театр-студияси фаолиятида халқимизга манзур бўладиган ижод намуналарини кўпайтириш асосий мақсадим ва бунга эришиш йўлида жамоамиз билан ҳамisha изланишдамиз.

Юртбошимизнинг эътибори оиламизга, “Дийдор”чиларга, умуман, санъат аҳлига куч-қувват, ишонч бағишлади. Бизни янги ижодий парвозларга илҳомлантирди. Шу маънода, отам тамал тошини қўйган театр фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга астойдил ҳаракат қиламан. Баҳони эса доимигдек томошабин беради.

Энг улуғ ва энг азиз Байрам барчамизга муборак бўлсин!



ШУХРАТ ЙЎЛДОШЕВ
(ШУХРАТ ДАРЁ),
“Дўстлик” ордени
совриндори

Давлатимиз раҳбари юксак ишонч билдириб, мени “Дўстлик” ордени билан тақдирлаганларидан бошим осмонга етди. Бу мукофот биргина менга эмас, бутун ижодий жамоамизга берилган деб ўйлайман. Чунки бир қўшқиннинг яралиши, кишилар қалбига етиб бориши ортида кўпгина ижодкорларнинг, қалам аҳлининг, маҳоратли бастакор ва созандаларнинг меҳнати ётади.

Охириги йилларда юртимизда маданият ва санъатга катта эътибор қаратиляпти. Янги театрлар, концерт заллари қурилди. Шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда “Туркистон”, “Халқлар дўстлиги” санъат саройларида ва шу каби ийрик саҳналарда қўйлаш бахтига муяссар бўлдим. Ҳар гал томошабинлар қаршисига чиққанимда менга жўр бўлиб қўйлаётган мухлисларнинг самимий табассумини қўриб, ўзимни бахтли ҳис қиламан.

Бугун барча ижодкорларимиз учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Янги санъат мактаблари барпо этиляпти. Ёш истеъдодлар учун танловлар ва фестиваллар ташкил қилинапти. Бу, албатта, муҳтарам Юртбошимизнинг санъат ва маданиятга қаратаётган беқиёс эътибори ва ғамхўрлигининг яққол намунасидир. Бундай қўлайликлар ва шароитлар бизга самарали ижод қилиш, халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, ҳордиқ қўнларини янада мазмунли ўтказиш имконини беради. Аслида, санъаткор учун энг катта рағбат бу – элнинг меҳри. Аммо ундан ҳам юксак мукофот тинч-осойишта юртининг ардоқли қўйиши бўлишдир. Чунки халқимизда бир гап бор, тинч юртга тўю тантаналар, байрамлар ярашади.

Бу орден менга янада катта масъулият юклади. Энди бундан ҳам яхшироқ, самимий ва сермазмун асарлар яратишим кераклигини ҳис қилдим.

Аввало, Давлатимиз раҳбарига, менга ишонч билдирган устозларим ва елкадош ҳамкасбларимга, энг муҳими, доим мени қўллаб-қувватлаб келган мухлисларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Юртимиз тинч ва фаровон, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

МУЛОҲАЗА

Хоразмда биров енгил машина олса, кўтлаб борганда айтиладиган “Ўтлови узоқ бўлсин!” ибораси мазмуни уловнинг ўзига ва эгасига узоқ умр тиламоқдир. Қадим боболаримизга от ҳам улов, ҳам йўлдош вазифасини бажарган бўлса, техника тараққиёти замонасида унинг ўрнини енгил машиналар эгаллади. Инсон боласи борки, ўзига улов олмоқни орзу қилади. Имкони бори ҳам, йўғи ҳам.



“ЎТЛОВИ УЗОҚ БЎЛСИН!”

Ёдимда, 1966 йили отам тракторчилик учун колхоз берадиган иш ҳақини (аслида, айнан 1966 йил 1 июлдан колхозчиларга иш ҳақи пул билан тўланган, унга “иш куни”га бугдой тарқатишган) рўзгорга зўрға етказиб юрган бўлса-да, ташландиқ ерларни ўзлаштириб, шоли экиб, гурунчини Бухорога элтиб сотиб ва яна боғимиз ортидаги жийдаларни тердириб, қўш-нилардан ҳам бир неча тонна жийда-ни арзонроқ олиб, Боку шаҳрида сал қимматроқ пуллаб, тўплаган пулига “Урал” русумли аравачали мотоцикл харид қилган. Бу мотоциклни Бокудаги бир дўкондан олганлар ва бизга икки ҳафтадан сўнг поезд орқали етиб келган.

Отам салкам қирқ уйли элатимизда биринчи бўлиб улов – мотоцикл олганди. Қувончимиздан кўқларга учиб юрган пайтимизда тўсат отамни прокуратурага чақириб қолишган. Отам кечкурун маҳзун қиёфада қайтган ва терговчилар “Бу мотоциклни қайси пулингга олдинг?” деб роса эзишганини айтиб берганди.

Иккинчи Жаҳон уруши иштирокчиси бўлгани учун неча йил райкўм ва ижрокўмларга қатнаб, навбатга ёзилиб, ва ниҳоят, 1981 йили “Москвич” машинаси олди. Машинани райкўм бюроси “меҳнат илғорига мукофот” сифатида берди, гарчи пулини тўлаган бўлсакда. Отам бу пайтда эллик хонадонга яқинлашиб қолган элатимизда енгил машина олган биринчи киши бўлди.

Кейинчалик камина ҳам университетни тугатиб, аввал туман, сўнг республика матбуотида ишлаб, ниҳоят, 1989 йили навбат орқали “Москвич” енгил машинаси олиш бахтига муяссар бўлдим. Бу пайтда элатимизда иккитагина енгил машина бор эди.

Коммунизм қуришни мақсад қилган, ҳар қадамда шунга монанд чақириклар илинган совет замонида енгил машина олиш энг олий бахт саналарди. Гарчи енгил машиналар ишлаб чиқариш совет давлатида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бошланган бўлса-да, токи бу давлат тарих саҳнасида тушиб кетгунча бўлган даврда аҳолисининг беш фоизини енгил машина билан таъминлай олди, холос. СССРда ишлаб чиқарилган енгил машиналар русуми, от қуввати, хавфсизлиги даражаси бўйича дунёдаги автомобилсоз давлатлар ишлаб чиқарган машиналар орасида энг охириги ўринлардан бирини эгаллаганини ҳам қайд қилиш керак.

Яна бир аянкли ҳолат: СССРда энг нуфузли енгил машина “Волга” ҳисобланиб, у 9600 сўм турарди. Бун-

дай машинани харид қилишга имкони борлар ҳам уни ополмасди – назорат органлари сикувига тушарди. Шу сабаб, лотереясига “Волга” машинаси чиққан одамни топиб, бир ярим-икки ҳисса ортиқча баҳода сотиб олиш мажбуриятида қолишарди. Лотерея ютуғига чиққан нимарса назоратдан ташқарида эди.

Эсимда, тўққизинчи синфда ўқиб юрган кезларимизда “Ҳазораспик бир дўкончи “Форд” машинаси сотиб олибди” деган гаплар тарқалди. Шу пайтгача “Форд” машинасини чет эл киноларида кўрганмиз, холос. Ҳазорасп бозорига борганда ўша машинани кўрган бир қўшнимиз “Катта қайққа ўхшаркан” деган ва ҳатто уни ушлаб кўрганини айтиб мақтанган. Гўё эртақдаги каби ноёб машинани кўриш учун уч тенгкур жўра Ҳазораспга борганмиз ва дарров тогланмиз. Негаки, дўконлардан бири олдида тумонат одам тўпланиб туришганди. Ўша ерга борсак, ҳақиқатан ҳам “Форд” машинаси турибди. Эскилигидан кузови ёнларига занг тушган машина дийдорига бирор эллик одам тўпланган экан. Бизга машина ёнига бориш, уни ушлаб кўриш насиб этмади, эгаси қандайдир иши қилганини айтиб, машинани ҳайдаб кетди...

Ҳозир йўлларда юрган енгил машиналарнинг русумини санаб адоғига етолмайсан.

Болалигимда энг кўп эшитадиган сўзларимдан бириси “кўлик” сўзи эди. Кимдир туман марказига ёки қўшни қишлоқдан тўйга айтишса, масофа узоқлиги учун тўрт томонга термилиб, наҳот изларди. Шу пайтларда “Кўлик топиласа борамиз”, “Кўлик бўлсайди, ишим енгил кечарди” каби гаплар тилга олинарди. Кўлик – улов сўзининг яна бир кўриниши.

...Яқинда элатимизда бир йигит янги русумдаги қимматбаҳо машина олганида кўтлаб бордик. Узоқ йиллар бригадир, фермер бўлиб ишлаган, ҳозирда кўчабошилиқ қилаётган Қодир Жумабоев даврда қизик рақамни келтирди: “Бугун элатимизга кириб келган олтимизинчи машинани “ювяп-миз”. Бу боришда яқин беш йилда юзинчи машинани ҳам “ювамиз”.

Элатимизда ҳозир саксон икки хонадон бор.

Ёдимда, ўн йиллар аввал муҳарриримиз вилоятда жон бошига энг кўп енгил машина тўғри келадиغان бир қишлоқ ҳақида мақола тайёрлаш топшириғи бергач, вилоят давлат автомобилиз нazorати идорасидан шу ҳақида маълумот олдим. Унда бизга

шундоқ қўшни – онам туғилган маскан – “Деҳқонobod” қишлоғи жон бошига энг кўп енгил машинаси борлиги қайд қилинган, яъни ҳар юз хонадондан олтимиз биттасида енгил машина борлиги айтилганди. Бу қишлоқ аҳли узумчиликка ихтисослашган. Хонадонлар чорбоғида, қўшимча томорқасида маҳаллий “Тоифи” навли узум экиб, ҳосилини кузда чет элларга экспорт қилишади. Бунда ўзлари овора бўлиб, чегара ошиб юришмайди – куз бошламасида юк машиналари қишлоқни босиб кетади. Узумни сотган одам пулини санаб чарчамаса бўлгани. Айнан ушбу қишлоқда узумчилик ривож тогани сабаб ҳозир ҳам Богот тумани ҳар йили чет элларга ўртача 15 миллион АҚШ доллари миқдорида узум экспорт қилмоқда.

Қишлоқ бешта маҳаллага бўлинган. Шулardan бириси – “Богистон” маҳалласида холаваччам фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлади. Ўтган йили маҳалладаги енгил машиналар сони қанчалиги билан қизиқдим. Раис тақдим қилган маълумотномада ҳар юзта хонадонга бир юз бешта енгил машина тўғри келиши ёзилганди. Ҳатто айрим хонадонларда турли русумдаги машиналардан тўртта-бештаси бор экан.

...Ўтган ўттиз йилнинг нари-берисида бизнинг кичик элатда енгил машиналар сони 30 баравар ошгани нимаданди?

Биринчидан, мустақиллик туфайли ўзимизда турли русумдаги енгил машиналар ишлаб чиқарила бошлагани ва бу жараён йилдан-йилга кенгаётгани бўлса, иккинчидан – асосийси, одамларнинг харид қуввати ошгани, яъни ортиқча даромад пайдо бўлгани.

Яқинда эълон қилинган расмий маълумотда юртимиз аҳолиси илкда 4.6 миллион донга енгил автомобил қайд қилинган. Бу эса ҳар юз хонадонга нисбатан олганда енгил машиналар сони сўнгги беш йилда уч ҳисса ошганини кўрсатади.

Бу ҳисобга корхона-ташкilotлар, муассасалар, фирмаларнинг хизмат машиналари, шунингдек, юк ва бошқа хизматлар учун мўлжалланган турли русумдаги уловлар қирмайди. Тахминимизча, уларнинг сони ҳам миллиондан ошади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида эълон қилинган бир маълумотда юртимизда мавжуд барча енгилу бошқа турдаги машиналар сони 540 минг донга деб кўрсатилганди. Демак, ўтган даврда уларнинг сони ўн баравардан кўпроққа ўсган.

Юртимизда аҳолининг ярмига яқини шаҳарларда яшашади. Шаҳарда, айниқса, кўп қаватли турар жойларда яшовчи аҳоли енгил машина олишга унчалик эҳтиёж сезмайди. Чунки ишга, бозорга ва бошқа жойларга боришда жамоат транспорти мукамал ишляпти, бундан ташқари кечая кундузнинг йигирма тўрт соати кира-кашлар хизматда.

Ижтимоий тармоқларда “Фалон йўлда мегатирбандлик” мазмунидаги хабарларга кунора кўзимиз тушади. Буям енгил машиналар сони кескин ортгани билан боғлиқ. Шаҳарлар ва ҳатто қишлоқ туманларидаги йўллар совет даврида енгил машиналар сонига қараб лойиҳалаштирилган. Машиналар сони кескин ошган ҳозирги кунларда бу йўлларни кенгайтириш осон эмас. Сабаби, йўлларнинг ҳар икки чеккасидан аҳолига иморат қуриш учун ер ажратилган, бошқа бинолар қурилган. Уларни қўчириш учун турар-жойлар қуриш ва тоvon пули тўлаш керак...

Ва яна ижтимоий тармоқларда баъзида машиналарга бензин ёки метан қўйиш шохобчаларида навбат вужудга келганидан нолиш кузатилади. Бозор сиёсатида талаб ва эҳтиёж деган тушунча бор. Машиналар сони ошгани сари ёқилғи ва ёнилғига бўлган талаб ҳам ўса боради. 1985 йили ўқишни тугатиб, ишга келганида, туманда фақат икки жойда машиналарга ёқилғи қўйиш шохобчаси бор эди. Ҳозир уларнинг сони ўттиздан ошган.

...Ушбу мақолани ёзиб тугаллай деганимда деразадан мотоцикл овози келди. Қарасам, қўшни аёл замонавий мотоцикл ҳайдаб кетаяпти. Э, дедим ўзимга ўзим, енгил машиналар сони ошгани ҳақида гап сотиб ўтирибман, бу ёқда сўнгги икки-уч йилда деярли ҳар бир хонадонга тоқда, бензинда юрадиган турли русумдаги моторола, скутерлар кириб келгани-чи?

...Айрим ношуқур бандалар “Мустақиллик бизга нима берди?” деган пичинг гапларни айтишдан уялишмайди. Бизга нима эмас, нима-лар бергани ва бераётганини санаб ўтиришга вақтим йўқ. Биттасини айтсам етар: Истиқлолнинг ўттиз тўртинчи йилига келиб пойи пийеда юрадиган одам деярли қолмади.

Қиссадан ҳисса, шу кунларга етказган буюк Мустақиллигимизнинг ўтлови узоқ бўлаверсин!

Рўзимбой ҲАСАН,
“Дўстлик” ордени
совриндори

ЖАҲОН АЙВОНИДА

БОШ МУЗОКАРАЧИЛАР АҚШДА

Украина президенти девони раҳбари Андрей Ермак ва Украина Миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгаши (НСДС) котиби Руслан Рустем 29 август куни Нью-Йоркда АҚШ президенти Дональд Трамп жамоаси билан учрашади. Бу ҳақда Украина президенти Владимир Зеленский видеомурожаатида маълум қилди.



Унинг эслатишича, аввалроқ Ермак ва Умеров урушни тугатиш бўйича музокара олиб бориш ва унда воситачилик платформаларини муҳокама қилиб, Қатарда, кейин Саудия Арабистонида, 28 август куни эса Швейцарияда учрашувлар ўтказишган.

“Жума куни Нью-Йоркда президент Трамп жамоаси билан учрашувлар кутмоқда”, деди президент.

ЭНГ БАЛАНД КЎПРИК



Хитойда қурилаётган дунёдаги энг баланд кўприкнинг пўлат кегайлари ўрна-тиб бўлинди. “IT Home” нашрига кўра, барча 93 та кегай муваффақиятли ўрнатилиб, энди кўприкни туташтириш ишлари бошланган.

Кўприк Гуйчжоу провинциясининг Лючжи-Анлун тезорар автомагистраладаги Хуацзян катта каньёни устидадн ўтади. Кўприкнинг қурилиши 2022 йилда бошланган ва унинг очилиши 2025 йилнинг сентябрига режалаштирилмоқда.



РУЛ ВА ПЕДАЛСИЗ РОБОТАКСИ

Илон Маск “Биз, робот” деб номланган тадбирда Tesla компаниясининг сўнгги ютуқлари – одамсимон робот, рул ва педали бўлмаган роботакси ва 20 кишилик сизимга эга “робофургон”ни тақдим этди.

Маскнинг айтишича, Cybercab автомобилда саёҳат қилиш оддий машиналарга қараганда ўн баравар осонлашади. Миллиардер роботаксини лифт билан таққослаган – тугмани босиш кифоя ва қолган ҳамма нарсани унутиш мумкин.

ПУТИН ВА КИМ ЧЕН ИН ҲАРБӢЙ ПАРАДДА ҚАТНАШАДИ

Пекинда келаси ҳафта Иккинчи Жаҳон уруши тугаганининг 80 йиллигига бағиш-

ланган тантанали Ҳарбий Парад бўлиб ўтади. Хитой ва Шимолий Корея давлат ОАВлари хабарига кўра, тадбирда Россия президенти Владимир Путин ва Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин ҳамда 26 нафар хорижий давлат раҳбарлари қатнашади.



“Синхуа” агентлиги маълумотида кўра, Путиннинг таширифи Россия ва Хитой ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг юқори даражасини тасдиқловчи воқеа сифатида баҳоланмоқда. Шунингдек, парад арафасида Россия президенти 31 август – 1 сентябрь кунлари Тяньцзинда бўлиб ўтадиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида ҳам иштирок этиши режалаштирилган.

ИНДОНЕЗИЯДА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Минглаб индонезиялик ишчилар Жакартада оммавий норозилик намойишларига чиққан. “РИА Новости” мухбирининг хабар беришича, намойишчилар полициячиларга қарата тош ва мушаклар отмоқда, ҳуқуқ-тартибот ходимлари эса кўзни ёшлантирувчи газ билан жавоб бермоқда.



Намойишчилар меҳнат шароитларини яхшилашни ва иш ҳақини оширишни талаб қилмоқда. Шунингдек, улар парламентни тарқатиб юборишни ҳам истаяпти.

ЭЪТИРОФ

АНВАР ОБИДЖОН

Уч йиллик ҳарбий хизматни машҳур Бойқўнғир космодромида ўтаганман. Синов ракетасини парвозга тайёрлаш осон иш эмасди. Ҳарбий қўмондонлик штабида ишлаганим учун кўшни қисмлар билан ҳам алоқа қилиб турардим. Бир куни шу ерда олтиариқлик Абдусалом исмли йигит билан танишиб қолдим. Адабиётга қизиқадиған, мусиқани яхши тушунадиган, рубоб чалишга кўли келиб қолған йигит экан, суҳбатимиз тез қовушди. Бўш пайтлари бирга дам оладиган, радио қўшиқлар тинглайдиган бўлдик. Абдусалом ёшлигида онаси ўқиб берган Иброҳим Адҳам қиссаларидан сўзлар, мен эса ҳарбий хизматни тугатишим билан Тошкент университетининг журналистика факультетида кириб ўқиш орзумдан гап очардим.

Мен Ўшда ўқиб юрган кезларим ёзган кичик-кичик шеърларимдан айримларини Абдусаломга ўқиб берган эдим, унга маъқул келиб, “Аҳмаджон, шу бизнинг Олтиариқда Анваржон исмли бир йигит бор-да, шеърлар машқ қилади, қўли анча келиб қолган, машқларини юборса, кўриб бермайсизми?” деб қолди. Бепоеън қозоқ даштининг жазирамасида, яна ҳарбий кийимда денг, Тошкент газеталари босмаса ҳам тинимсиз шеърлар жўнатиб турган навқирон ижодкор сифатида, “Майли, юборсин, ўқиб кўрамиз”, дедим устозларга хос виқор билан.

Орадан бир ой ўтар-ўтмас, Анваржондан хат келди. Беш-олтита шеър. Сўзлари тўла ёдимда қолмаган, аммо футбол тўлига бағишланган шеърнинг маъноси қуйидагича: “Ҳамма бу тўпни оёғи билан аёвсиз тепади, боши билан уради, кўкраги билан туртади, жаҳли чикса, майдондан ташқарига отиб юборади, фақат дарвозабонгина меҳрибонлик билан икки кўллаб бағрига босади, силаб-сийпалайди...”

Содда ва равон сатрлар. Қулгили жойлари кўп. Болалар учун ёзилган бошқа шеърларда учрамайдиган ўхшатишлар, ажойиб топиламлар. Ўқиб бўлгач, Абдусалом иккимиз уларни малакали мутахассислардай жиддий таҳлил қилдик, унча-мунча тортишув, баҳс ҳам бўлди. Сўнг мен ёш шоирга газета-журналлардан менга келадиган жавоб хатларидан фойдаланган ҳолда: “Хурматли Анвар Обиджон, шеърларингизни ўқидим, баъзилари яхши чиқибди. Юморингиз бор экан. Болалар ҳаётини яқиндан биладиганга ўхшайсиз. Ҳаракат қилинг, кўп ўйинг, устозлардан ўрганинг, эринманг, шундай машқ қилишда давом этсангиз, келажакда сиздан яхши шоир чиқиши мумкин”, деган хат ёздим.

Ҳарбий хизмат тугагунча ана шундай маънода хат олишиб турдик. Орадан кўп йиллар ўтиб, Фарғона театри биносида Ўзбекистон халқ шоири, болалар учун ёзилган йигирмадан ортик бадиий асарларнинг муаллифи Анвар Обиджон туғилган куннинг 60 йиллиги нишонланганида, менга “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳаррири сифатида сўз беришди. Шоирнинг юбилеи баҳонасида мен ўша кунлари водий туманларини зир айланиб, газета обунаси билан шуғулланаётган, бир жойда кўнглим кўтарилиб, бир жойда ҳафсалам пир бўлиб юргандим.

Саҳнага кўтарилиб, сўзимни ўша... ҳарбий хизматдан Олтиариққа йўллаган хатларимдан бошладим: “Ҳаёт қизиқ нарсада, Анвар Обиджон бугун ўзбек болалар адабиётига янги ҳаво олиб кирган, бадиий ифодада ўз йўли ва овозига эга таниқли шоир. Мен эса оддий муҳаррирман. Анваржон ўшанда менинг буюк маслаҳатларимга амал қилмаганида борми, у бугун бу саҳнада эмас, менга ўхшаб, қишлоқма-қишлоқ юриб, туман газетасига обуна уюштириб юрган ўларди...”

Зал қулгидан ларзага келди.

Анвар Обиджон ўзининг таъбири билан айтганда, бир мuddат “кўзга кўринмас, аммо масъулияти жиддий мансаб”ларда жонбозлик кўрсатиб, ҳаётни кузатди, қаламини чархлаб, ана ундан кейин бўлажак ҳақрамонлари Гулмат ҳамроҳлигида ёш Мешполвонни пойтахтга етаклаб келди. Фақат шу эмас, бўлажак шоир пойтахтга Олтиариқнинг оҳорли овози, ўзи кўрган-билган қанчадан-қанча юртдошларининг ажабтовур характери, учирим-қочиримлари, аския пайровларини ҳам олиб келди. Туман газетасида узоқ йиллар қалам тебратгани журналистика соҳасида ўзини намоён этишига ёрдам берди. Буни унинг ўзидан эшитайлик:

“Бошланғич синфдалигимда шеърлар машқ қилардим. Илк шеърларимдан бири “Гунча” журналида босилгач, ўзимни бинийдек шоир санай бошладим, мактабдагилардан бирортаси: “Ҳа, шоир”, деб илжайиб ўтса, бу кесатик эканини сезиб турсам ҳам, барибир, ич-ичимдан суюниб кетардим. Ҳарбий хизматдан қайтиб, колхозда иш-

мажтуби

лаб юрган вақтимда туман газетасига кичик-кичик хабарлар ёза бошладим. Устозлар шеърларимнинг у ер-бу ерига қалам теккизиб чиқаришса, унча ўпкаламасдим, аммо энг “қуйи табақали” газетанинг шумшайган бир ходими келиб-келиб мендек “шоир”нинг мақоласини таҳрир қилса, пешонам тиришарди. Туманимиздаги “Пахта учун” газетасига ишга ўтганимиздан кейин анчагача шаштимдан тушолмай юрдим. Жимжимадор сўзларни очерк ёки лавҳаларда меъёри билан ишлатиш мумкинлигини, мақола эса имкон қадар жонли халқ тилига яқин бўлиши, бунда безанчоқликнинг даражаси эмас, хабарнинг қиммати муҳим эканлигини англаганимча яна бирикки йил ўтди.

1974 йили “Она ер” деган биринчи китобим чоп этилди, ховрим анча пасайиб, шоирлигимни ортиқча пеш қилмайдиган бўлиб қолдим. Чунки, бу соҳанинг ичида юриб билдимки, газетада ишлайдиган бўлсанг, шоирлик журналистлигининг маълум даражада тўлдириши мумкин, лекин ҳатто энг зўр шоир ҳам бу жабҳада пишиб етилган энг оддий журналистнинг олдида ҳеч ким эмас”.

Ўзбек болалар адабиёти узоқ йиллар турлича савиядаги бадиий ифода босқичларидан ўтиб келди. Қизил мафкура бешигида бўлса-да, улғайди. Ёш ўзбек китобхонларининг шеър қандай ёзилиши хусусидаги тасавури Зафар Диёр, Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Қудрат Ҳикмат, Толиб Йўлдош, Пўлат Мўмин каби истеъдодли шоирлар ижоди асосида шаклланган ва буни ҳеч ким инкор этмайди. Ютуғи ҳам, камчилиги ҳам ўзимизники. Ижодкор, у қайси соҳада бўлмасин, албатта, ўз қарашларидан келиб чиқади. Аммо дунё ўзгаргани сари одамларнинг турмуш тарзи, ўй-хаёллари ҳам ўзгариб боради, катталар билан бирга болалар ҳам улғайиб, кўз ўнгимизда бегубор нигоҳлари билан дунёга боқадиган, биз эътибор бермаган нарсаларни идрок этадиган, яхши-ёмоннинг, рост ва ёлгоннинг фарқига борадиган бўлишади.



Фикримча, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари мана шу муҳим ҳолатни болалар шеъриятида Миразиз Аъзам, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон каби ижодкорлар бошқалардан кўра бир мuddат аввал сезишди. Болалар учун ёзиш катталар учун ёзишдан ўн чандон қийин ва масъулиятли эканлигини тушунишди. Шуниси ажаблаларлики, ўша етмишинчи йиллари собиқ тузум ижтимоий-сиёсий ҳаётида, жамиятда ҳам жиддий бир ўзгариш ёки муҳим бурилиш бўлмаган, ҳамма соҳа, айниқса, адабиёт мафкуравий қолиплар белгилаб берган андозаларга амал қилиб фаолият юритаётган эди. Бу фикрни ўша йиллари эълон қилинган болалар шеъриятида яққол кўриш мумкин. Аммо... бошқа миллий адабиётларда аста-секин сезилаётган ўзига хос янгиланиш шабадалари, масалан, Сергей Михалков, Самуил Маршак, Корней Чуковский, Николаи Носов каби таниқли ижодкорларнинг болалар ҳаётига доир янги-янги қарашлари исзис кетмади. Болаларга ёзганда уларнинг бевосита ўзига, ҳаёлот оламига суяниш, бу ёруғ оламни бола кўзи билан ҳам кўра олиш, фель-атор, қувлик-шумликларига эътибор бериш зарурлигини



англаган шоирлар ижодида мутлақо янгича талқинлар пайдо бўлди. Улар ортидан келаётган ёшлар ижодида болалар дунёси янгича қиёфада кўрина бошлади.

Анвар Обиджон пойтахт ижод муҳитига тез сингди, жаҳон адабиётининг болаларга аталган энг яхши намуналарини синчиклаб ўқиди. Улар қайта-қайта чоп этилаётгани, бугун ҳам севиб ўқилаётгани сабабини тушунишга ҳаракат қилди. Ёзувчилар уюшмасидаги бир муҳим йиғинда ўзини болалар ёзувчиси деб юрадиган ва шу мақоми билан гурурланадиган ижодкорга: “Сиз ҳар йили китоб чиқараётганингиз билан эмас, болалар китобларингиздан нима олаётгани билан фахрланинг”, дегани ёдимда. Орадан кўп ўтмай, Анваржоннинг “Баҳромнинг ҳўқоялари”, “Масҳарабоз бола”, “Безакашмол”, “Жуда қизиқ воқеа”, “Олтин юракли автобола”, “Даҳшатли Мешполвон” шеърый тўпламлари, “Булбулнинг чўпчаклари”, “Ғалати мактублар”, “Турундаги гаплар”, “Ажойибхона”, “Ўзимизнинг ансамбль”, “Ширин сўйлар жажживойлар”, “Қаламушлар кемаи”, “Сиз эшитмаган қўшиқлар”, “Осмондан тушган созанда” туркумлари кичик ёшли ўқувчилар қўлига бориб етар экан, ўшанда

мига таяниш таъсирчан публицистиканинг ўта кучли ваколатига айланади. Шундай бўлди ҳам. Публицистика бу вазифани талаб даражасида бажарди.

Ижодкор зиёлилар истиқлол манфаатларини ўз уй, ўз оилаларини ҳимоя қилгандай ҳимоя қилишди. Газеталарда оташин мақолалар эълон қилинди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилинган кўплаб мақолалар асосида ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Публицистика умри тугаб бораётган эски тузумнинг ғайринисоний қадриятларини, сохта шоирларини аёвсиз фош қилди, миллатни уйғонишга, қизил салтанатнинг таназзули муқаррарлигини, миллат ўз тақдирини ўз қўлига олиши мумкин бўлган буюк имконият эшик қоқаетганини англашга чорлади.

Газетанинг фаол муаллифлари орасида Анвар Обиджон ҳам бор эди. Мустақилликка эришиш арафасида эълон қилинган мақоласига “Ё аҳиллик, ё қуллик” деб сарлавҳа қўйди. “Муҳаррир дўстим, масалани мана шундоқ, яъни кўндалангига қўйиш керак: ё бугунги имкониятдан фойдаланиб, эркин бўламиз, мустақил давлатга айланамиз, ё яна... занжирлар салтанатига қайтамиз”, деди.

Анваржон босиқ, чуқур мулоҳазали ижод-

лик сифатида ҳаммамизга совға қилди. Анваржон адабиётга водийнинг ноёб лутфини олиб кирди, болалар шеъриятида маҳорат мактабини яратди. Нутқимизни гўзал иборалар, ўхшатмалар, ташбеҳлар билан бойитди. “Марғилонликларнинг сўзлашув маданияти жуда юқори, — деб ёзди шоир “Фарғоналиклар” китобида. — Бу шаҳарга четдан келиб, суд идорасида ишлаган бир танишим эридан ажрашмоқчи бўлган ёш жувоннинг сўзлаш тарзидан пол қолганини менга гапириб берган. Аёл арзини шундай баён этибди: “Худо хайрингизни берсин, бек ака, ярашинг деб қистамасинлар мани. У кишим билан бирга яшашнинг қиттак иложи бўлса, сиздек мартабали зотнинг гапини ерда қолдирардим...”. Майли, яна бир уйланиб кўрсинлар. Илойим, янги топган хотинлари мандан сабрлироқ, мандан озоदारоқ чиқсин”.

Марғилон Қумушбиби юртилиги ёдингизга тушдими?!

Устоз Эркин Воҳидов истеъдодли шогирдига қуйидаги тўртликни бағишлаган:

Шоир Анвар Обиджонга ҳазил шеър йўқ,
Ўйлар, акам тўрт йўл ёзса ўлармиди?
Унинг ўзи тўлпонча-ку, ҳар сўзи ўқ,
Қурол билан ҳазиллашиб бўлармиди?!

Шоирнинг ижод олами бугун адабиётшунос олимлар, ёш тадқиқотчилар заъв ва қониқиш билан тадқиқ этмоқдалар. Бу ишни академик Бахтиёр Назаров бошлаб берган эди: “Анвар Обиджон шеърларидаги бадиий гўзаллик ҳақида гап кетар экан, унинг асарларида шу хусусиятни келтириб чиқарадиган гармонияни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Бу гармония асосларини Анвар Обиджон шеърларида талқин этилаётган руҳий-ҳаётий муаммо ифодасига энг аниқ, тиник, қисқа, ихчам, сунъийликдан ҳоли баён, ҳаққонийлик ва ҳаётий образлилик ташкил этади. Улар ўзининг самимийлиги, ифода йўсини ва руҳиятдаги халқоналиги, айниқса, миллийлиги, ҳатто, маълум маънода водиеналиги ҳамда барчаси жуда соддалиги билан ажралиб туради. Ватан ҳақида не-не шеърлар битилган. Лекин Анвар Обиджон Ватанинг қисқа, мўъжазгина, янги талқинини топа олади.

Дехқонвачча шу Ватан
Иккимизга онадир.
Тупроғиниз тафтидан
Товонимиз ёнади.
Бироқ, мунис шу она
Иккимиз-чун икки зот:
Сен учун у бошлана,
Мен учун у эътикод”.

Анвар Обиджон адабий тилимизни халқона йўлда янада жозибали қилиб бойитишга бутун ижод умрини бағишлади, десак муболаға бўлмайди. Икки қадрдон дўст – Турсунбой Адашбоев ва Анвар Обиджон ўзбек болалар адабиётини кенг маънода янги сифат босқичига олиб чиқишди. Болаларга қандай ёзиш кераклигини насрда Худойберди Тўхтабоев, назмда шу икки ижодкор намоён қилишди. Болаларга хос жамики хусусиятлар – қувноқлик, зукколик, қувлигү шумлик, ҳозиржавоблик, ҳотамтою чапанилик, катталардай фикрлашга ҳаракат қилиш Анвар Обиджон шеърларининг мағзи эди. Ижодий давраларда “Болаларга ёзиш учун уларни севиш, тилини, дилини тушуниш керак”, деган гапни кўп тақрорларди. Бунга ўзи қатъий амал қилгани боис, болалар адабиётини Анвар Обиджон номи билан боғлиқ ижодий мактаб юзага келди. Бу мактаб сабоқларини ўтаган қанчадан-қанча ёшларнинг ижод намуналари устоз ўғитлари беҳуда кетмаганидан далолат беради.

Анвар Обиджон болалар билан бирга катталар учун ҳам баракали ижод қилди. Асарлари асосида фильмлар суратга олинди, спектакллар қўйилди. Ҳажвий ғазаллари, шеърый “уч чанок”лари, ҳайвонлар, буюмлар, қушлар тилидан ёзилган мактублари китобхонлар томонидан зўр қизиқиш билан ўқилади. Мамлакатимиз мактабларида унинг шеърларини ёд олмаган, катталар орасида мулла Гулматни танимаган, “Фарғонада биттагина” қўшигини тингламаган мухлисни топиш қийин. Аслида, асл ижодкорнинг ҳар бир асари келажакка мактуб саналади. Фақат уни ўқий ва уқий ола билиш керак.

Президентимизнинг фидойи адибимизини “Меҳнат шўхрати” ордени билан мукофотлагани замирида шу Ватан, шу халқ равнақи, маънавияти ва маърифати учун қилинган ҳар қандай холис меҳнат, албатта, шўхрат топади, эътироф ва эътиборда бўлади, деган теран ҳикматни англадим. Демак, биз зиёлилар Худо берган ижодкорларимиз меросини кенгроқ тарғиб қилишимиз, ёшларимизга изоҳлашимиз, мураккаб ҳаёт йўлларини ибратли шарҳлашимиз, индалло, сўз сеҳри орқали она тилимизга, она халқимизга меҳру муҳаббат тўғусини тарбиялашга қамровдор эътибор қаратишимиз зарур экан.

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ



ЯНГИ НАШРЛАР

Заҳматкаш олим, педагогика фанлари доктори, профессор Улуғбек Долимовнинг “Ўзбекистон мактаблари тарихи” китоби “Муҳаррир” нашриётининг “Аслият” рукида чоп этилди. Муаллиф бу мавзунинг бежиз танламаган. Ўзи устозлар сулоласидан, жадид педагогикаси бўйича докторлик диссертацияси ёқлаган, қарийб олти йил олий таълим даргоҳларида дарс берган.



“ЁЗАРЛАР АНИ АҲКОМИДАН АҲКОМ...”

Ўтган асрнинг 70-йилларида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетида салоҳиятли илмий-педагогик муҳит шакллانган эди. Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов каби устозлар XX аср бошидаги миллий адабиётимизга бўлган қарашларни янгилади. Дастлаб Бехбудий, Фитрат, Абдулла Қодирий, Исроҳон Ибрат, Чўлпон, Сиддиқий-Ажзий, Абдулла Авлоний, Камий, Вадуд Маҳмуд каби адиблар ижодида эътибор қаратилди. Беғали Қосимов жадидлик ҳаракати негиздаги адабиёт муаммоларини изчил ва тизимли ўрганишга киришди. Шариф Юсупов Ғурак ва маърифатчилик адабиётини, Улуғбек Долимов жадид педагогикасини, Бойбўта Дўстқораев жадид матбуотини, Шухрат Ризаев жадид драматургиясини, Баҳодир Каримов жадид танқидчилигини тадқиқ этди.

Беғали Қосимов ташкил этган “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти” кафедраси бу ишлар кўламини янада кенгайтирди. Натижада, шу номдаги дарслик яратилди.

Қизгин ва машаққатли жараёнда Улуғбек Долимов муносиб ҳиссасини қўшди. Хусусан, Исроҳон Ибрат адабий меросининг халқимизга қайтарилиши ва тарғиботи бевосита олимнинг илмий-ижодий фаолияти билан боғлиқ.

Кимки жадидлар ҳаёти ва ижоди тадқиқига ҳолис ёндашса, ўзи ҳам уларнинг миллатпарварлик ва маърифатпарварлик “дарди”ни юқтириб оларди. Бу дард илмни улуғлайди, қалбни поклайди, шахсни камолот сари етаклайди. Улуғбек домланинг “дардманд” бўлганига ҳам ярим асрдан ошди. Устозимизнинг асл олимларга хос камтарлиги ва илм оламидаги виқори бизни ҳалигача ҳайрон қолдириб келади.

Аслида, бу фаилатлар фақат касб тақозосига кўра шаклланмаган, балки қондан ҳам ўтган экан-да. Устознинг “Аҳли ирфон” (Долимовлар сулоласи) автобиографик мемуарини ўқигач, тарбиянинг маънавий-тарихий асослари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлдим. Китебдаги айрим эпизодларни сизга ҳам илдиним.

Улуғбек домланинг катта боболаридан бўлган Хайтабек Амир Умархон даврида Қўқон маданият-маърифий муҳитини яратишда иштирок этган. Давр бўронларида Тошкентга келиб қолган бек ва унинг авлодлари бу ерда ҳам илму ижод билан машғул бўлади, зиёлиларни моддий қўллаб-қувватлашда давом этади. Кейинчалик мустамлакачиларга қарши курашда ҳалок бўлган шахидлар, қатағон этилган фидойилар орасида Хайтабек авлодларининг исмларини ҳам кўриш мумкин.

Бу сулола вақиллари советларга қарши ошқора курашиш имконсизлигини англаб, жадидлардан ўрнак олади ва маърифат тарғиботига киришади. Бор қучини халқ фарзандларини илмни қилишга, уларнинг жисмоний ва руҳий дардларига шиғо топишга сарфлайди. Бу беиз кетмади, албатта. Адабиётшунос Субутой Долимов, академик Тўрабек Долимов ва тиббиёт бўйича қатор профессорлар қолдирган илмий мерос халқ мулкига айланди.

“Ўзбекистон мактаблари тарихи” китоби бугунги таълим тизимининг мустаҳкам илдилари қай даврларга бориб тақалишини кўрсатади. Тарихнинг қансиз даврида маориф оқсади, бунга нималар сабаб бўлди, маориф юксалган даврларда қандай янгиликлар содир бўлгани

ҳаётини мисоллар билан далиллади.

Тасаввуримиздаги мактаблар минтақамизда бевосита Исмоил Ғаспаланинг Туркистонга бўлган ташрифларидан кейин юзага келган. Жадидлар янги усул мактабларини оча бошлади. Бунга хонлар, вазирлар ва зодагонлар ҳам хайрихоҳлик билдирди. Хусусан, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ҳамда вазир Исмолхўжа қўллови билан Хоразмда 1891 йилдаёқ дастлабки жадид мактаби очилди. Шаҳзода Ифандиёр таълимни шу мактабдан бошлаган.

Ғаспални томонидан илгари сурилган мадрасалар ислохоти ўрта асрлар анъаналари билан қотиб қолган таълим сиёсатини янги босқичга олиб чиқди. Аммо ўқув йилини олти ойдан тўққиз ойга узайтириш, бир марталик имтиҳон, мударрис, ошпаз, хизматчиларга тизимли маош тайинлаш, дунёвий фанлар улуғлини ошириш, ўқувчиларни газета ва театрда ошно қилиш чор ҳукуматига маъқул бўлмади. Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатида зид жадид мактабларини ёпа бошлади.

Советлар даврида ҳам иш силлиқ қўчгани йўқ. Гарчи бироз эркинлик берилган бўлса ҳам бу вақтинча эди. Тез орада жадидлар бошида қора булут тўлпанди ва уларнинг таълим сиёсати кескин танқид остига олинди. Китебда ана шу давр ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Улуғбек Долимов ҳар бир масалага ҳолис ёндашишга, ҳиссиётга берилмасликка, олим кўзи билан қарашга ҳаракат қилади ва буни урдадайдими ҳам. Масалан, совет таълим сиёсатининг ихобий ва салбий томонлари, бу тизимнинг миллий маориф анъаналарига зид жиҳатларини ҳам кўрсатиб беради.

Китебнинг сўнгги қисмида Мустақиллик даври таълим сиёсатида амалга оширилган ислохотлар таҳлил қилинади. “Ўзбекистонда мактаблар тарихи” китоби ўзбек мактаблари тарихининг вужудга келиш омилини, шаклланиши, таълим методологияси ҳақида ўқувчида ёрқин тасаввур ва аниқ тушуналари шакллантиради. Шу пайтгача нашр бўлган таълим хрестоматияси ва таълим методлари тарихига оид дарсликлардан фарқли равишда китебга ижодий ёндашилган, матн кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Ушбу китеб маорифшунослигимиз учун фундаментал асарлардан бири сифатида келгуси тадқиқотларга ишончли ва бой манба бўлиб хизмат қилади. Ёш олимлар бу асар орқали йўлни бошидан босиб ўтишга мажбур бўлмайди, улар келган жойидан ривожлантиради. Навоий ҳазрат Улуғбек “Зиҳ”и ҳақида “**ёзарлар ани аҳкомидан аҳком**” деб ёзганди. Маорифшунослигимиз учун ҳам Улуғбек Долимов китоби маёқ вазиғасини ўтаса, не ажаб.

85 ёшини қаршилаётган Улуғбек Долимов ҳамон ўзбек маорифи тарихи, таълим услубларини ўрганиш ва тадқиқ этишдан тўхтагани йўқ. Бу ҳам бўлса жадид устозларининг имкон бор экан, Ватанга ва халққа хизмат қилиш керак, деган сабоқлари маҳсулидир. Сўз якунида Улуғбек домлага сиҳат-саломатлик, янги илмий изланишларида куч-қувват, китобхонлар ва илмсеварларга эса устоз китобларидан кўпдан-кўп манфаатлар етишини тилаб қоламиз.

Улуғбек СУЛТОН,
филология фанлари номзоди

“МАНГУ ҚУЁШ”:

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ

ва бадий тафаккур чорраҳасида

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али тарихий мавзуларда теран ва кенг қамровли асарлар яратишда етакчи адибларимиздан бири саналади. Унинг “Улуғ салтанат” роман-эпопеяси, “Сарбадорлар” дилогияси, “Клеопатра” ва “Абадий соғинчлар” сингари тарихий асарлари халқимиз маданий меросини ўрганишда муҳим ўрин тутса, яқинда нашр этилган “Мангу қуёш” романи адиб ижодидаги янги ютуқдир.

Алишер Навоий образини яратиш ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади. Навоий нафақат буюк шоир ва давлат арбоби, балки фалсафа ва маданиятнинг туб илдиларига чуқур сингиб кетган, ҳануз кўп қирраларини очишни талаб қиладиган буюк сиймодир. Шу боис, бу шариф зот тимсолида тарихий, маданий, фалсафий билимлар билан бирга, ўша замоннинг сиёсий-ижтимоий контексти ҳам аниқ акс эттирилиши зарур.

Муҳаммад Али “Мангу қуёш” романида айнан шу мураккаб ишни урдади. У нафақат Навоий ҳаёти ва ижодининг чуқур психологик ва фалсафий қатламларини очиб беради, балки ўша давр воқелигини аниқ ва жонли тарзда тасвирлайди. Ёзувчи ўз асарида тарихий ҳақиқатни бадий нозиклик билан уйғунлаштириб, ўқувчига бой маънавий ва маданий меросни тақдим этади. Бундан ташқари, Муҳаммад Али Навоий тимсолини қўллаб маданий ва тарихий стереотиплар орасидан чиқариб, янги ва объектив ёндашув билан тасвирлашга муваффақ бўлди.

“Мангу қуёш” асари шу маънода оғир меҳнат натижаси ва тарихий шахслар тимсолидаги инсонийлик, фалсафий теранлик ва маънавий бойлиқни ўқувчига етказишда муҳим қадам бўлди.

Романни ўқиш жараёнида ўқувчи Навоий даҳоси қирраларини қафш эта бошлайди: “Навоий ким? Шоирми, амирми, муҳрдорми, ҳокимми, муқараби султонми, авлиёми?” Шоирнинг атрофидаги кишилар, Султон Хусайн, Бадиуззамон Мирзо, Шайхон Суҳайлий, Хондамир, Султонали Машҳадийлар ҳар бири ўз кўнглида шу саволга жавоб топишга интилади.

“Мангу қуёш” романида диққатимизни тортган энг муҳим жиҳат бу – Али-

шер Навоий ва Султон Хусайн Бойқаро ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, садоқат ва ҳамфирқлик муносабатидир.

Бу икки буюк тарихий шахснинг дўстлиги ўзбек адабиёти ва тарихининг энг ёрқин саҳифаларидан биридир. Муҳаммад Алининг “Мангу қуёш” романида бу дўстлик ўзининг энг самимий ва мураккаб жиҳатлари билан бадий тасвирланган. Китебхон “Мангу қуёш”да нафақат мозийдаги воқеаларни, балки инсоний муносабатлар ва тарихий шахсларнинг ички дунёсини ҳам ҳис қилади. Бу ўринда ёзувчининг энг катта ютуғи шундаки, тарихий шахслар фақат воқеликдаги тасвирлар билан эмас, руҳий кечинмалари, ички дунёлари билан мутаносиб жонлантирилган.

Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро ўртасидаги дўстлик, аввало, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган эди. Улар бир вақтнинг буюк зиёлилари, давлат арбоблари ва ижодкорлари сифатида бир-бирининг фикр ва қарашларига алоҳида эътибор беришган, фикр алмашишган.

Бойқаро ва Навоий орасидаги муносабатлар орқали икки буюк шахснинг мураккаб ва ўзига хос кўп қирралари очиб берилади. Бойқаро – зиддиятчи сиёсий шарт-шароитларда моҳир арбоб, ўз халқининг манфаати учун курашган саркарда ва ҳукмдор сифатида гавдаланса, Навоий илм-фан, адабиёт ва фалсафа соҳасидаги буюк устоз сифатида кўрсатилади.

Муҳаммад Али “Мангу қуёш”да Навоий ва Бойқаронинг ўзаро суҳбатларини жуда жонли ва табиий тарзда акс эттиради. Уларнинг суҳбатлари орасида, мисол учун, давлат бошқаруви, адабиётнинг мақсади, инсон руҳининг сирли қирралари ҳақида теран фикрлар учрайди. Бу суҳбатлар нафақат тарихий контекстда, балки замонавий китебхон учун ҳам қимматли таълимотлар, маънавий ғоялар тақдим этади. Китебхон мутлола давмида, уларнинг фикрларида ўша даврнинг ижтимоий, маданий, маънавий муаммолари ва қарашларини теран ҳис қилади.


Бундан ташқари, романда Хусайн Бойқаронинг Навоий ижодида бўлган самимий эътибори, уни қўллаб-қувватлаши ҳам ёрқин бўёқларда тасвирланган. Бу адибнинг тарихий манбалар ва бадий талқинларни уйғунлаштиришга усталигидан далолат. Бойқаронинг На-

воийга бўлган ишончи ва муҳаббати, шунингдек, улар ўртасидаги дўстлик руҳий бирлашув ва ижодий ўсишга сабаб бўлгани китебхон қалбига ўчмас из қолдиради.

Муҳаммад Али бу дўстликни тасвирлашда ўрта асрлар туркий тилининг ўзига хос оҳангини сақлаган, асар тили бой ва рангин. Романдаги суҳбатлар, қаҳрамонларнинг ички фикрлари, ҳиссиётлари – буларнинг барчаси ўқувчини ўша давр ҳаётига чуқур шўнғишга ундайди. Романдаги Навоий ва Бойқаро дўстлиги ҳақидаги саҳифалар тарихий далиллар ва бадий тасвирлар билан муваффақиятли уйғунлаштирилган. Ёзувчи бу дўстликни тарихийлик билан бадийлик орасидаги нафис мувозанатда келтиради. Адиб муҳим тарихий воқеаларгина эмас, кичик тафсилотлар орқали ҳам Навоий ва Бойқаронинг қалб ақинчилигини маҳорат билан кўрсата олган.

Биламизки, Навоий ҳаммаша кўпчиликни қизиқтириб келган ўз шахсий ҳаёти, масалан, ота-онаси ҳақида, камтарлик юзасидан, деярли сўз юритмаган. Шоирнинг бирон ерда онаизори исмини ёзмагани ҳам бунга далил. Муҳаммад Али эса шоир онасининг исмини аниқлашда улуғ адиб Ойбек изидан боради ва унинг “Бола Алишер” қиссасида келтирилгандай, муборак исми “Гулбеғим” деб атайди. Бундан ташқари, у Бадиуззамон Мирзо, Мўмин Мирзо воқеалари, Хадича беғим уюштирган сарой уйинларини маҳорат билан тасвирлаб, Навоийнинг ҳовлиси, ундаги бинафшазорни меҳр билан таърифлайди. Алишер суюкли ёрини илк бор кўрганда, Бадеъулжамол бинафшаранг қўйлақда эди. Бинафша, бинафшаранг – асарда рамзга айланади. Суюклиси оламдан ўтгандан кейин шоир Унсия ҳовлисини бинафшазорга айлантиради. Алишер Машҳадда Абулқосим Бобур боғида шундай бинафшазорни кўрганди. Ҳар кун эрталаб бомдод намозини адо этган Навоий бинафшазорни айланиб, сўнг ўртадаги супада ўлтириб, қўққа боқиб Бадеъулжамол билан суҳбатлашади.... ва кўнгли таскин топади. Бу одатга айланади, ҳажга боришдан олдин бинафшаранг билан алоҳида хайрлашади... Бинафшалар бошларини эғиб қоладилар...

Ёзувчи Навоийнинг ҳаж сафарига отланганини ёрқин бўёқларда тасвир-



лайди. Романнинг “Оламнинг нури” бобида шундай сўзларни ўқиймиз:

“...Илоҳи, мен тавба қилдим дегандин бобидане суд, сен тавба бергилки, ҳам Таввобсену ҳам Маъбуд...”

Илоҳи...
Илоҳи... Илоҳи...
Тағи...
Тағи...
Ҳаж сафари давом этмақда.
Навоий ҳали-ҳозир йўлда кетмақда...

Ҳижоз тупроғигача йўл узок...
Унинг охири йўқ...
Йўл узок...

Навоийнинг ким экани ҳақидаги баҳс бутун асар давомида ўқувчи ҳаёлидан кўтарилмайди. У амирми, шоирми, авлиёми, фариштами, ё?..

Лекин Навоий уларга ўхшамасди. У бошқача эди. Султон Хусайн Навоий ҳақида сўзлаб, унинг қуёш эканини айтди, ҳаммаша қулиб, жилмайиб турадиган қуёш...

Ҳеч қачон сўнмайдиган, олижаноб ва саховатли мангу қуёш...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг “Мангу қуёш” тарихий романи, сўзсиз, ўзбек адабиётини бойитган асардир. Асар умумийлик бобимиз Алишер Навоий сиймосини, ички оламини, мураккаб ҳаётини моҳирона кўрсата олган асар сифатида қадрланганига асло шубҳа йўқ. Биз ёши улуғ адибимизни шундай ажойиб, мағзи тўқ роман билан қутлашга ўзимизни ҳақли сезамиз. Муборак бўлсин!

“МУМКИНМИ?!”


Ўтган асрнинг 20-йиллари Абдурауф Фитратнинг илмий-адабий фаолиятида сермахсул давр саналади. Илмий-оммавий очерк дея таърифланган “Бедил” рисоласи айнини шу даврда эълон қилинган. Асар 1923 йили Москвада ёзиллиб, бир йилдан сўнг Тошкентда чоп этилди.

Китеб бухоролик Қутлуг отлиғ зиёли йигитнинг ўқишдан таътилга чиқиб, Москвадан юртга қайтиши, дўсти Рустам билан суҳбат-мунозараси орқали бошланади. Дўстона суҳбат Ҳамид исмли йигитнинг уйдаги жадидона машваратга улашиб кетади. Сўжетдаги бу ўзгариш бежиз танланмаган. Бу орқали муаллиф умумийлик мавзу бўлмиш хуррият, маърифат масалаларини тор доирада гапириб юрган билан бир иш чиқмаслиги, уни кенг давраларда яқдиллик асосида муҳокама қилиш, муаммо ва ютуқларга жиддий ёндашиш, кўпчилик билан кенгашиш кераклигини уқтирмоқчи бўлади.

Фитрат каби маърифатпарварлар бирдамликни мақсадга эришиш йўли-

даги энг муҳим омиллардан бири деб билган. Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, ўша даврда жаҳолат ботқоғига ботиб, эрксизлик зулматига туртиниб юришни маъқул кўрадиган тоифалар ҳам бор эди. Улар Хизр учраганда барчанинг кўр бўлиб қолишини тилаган сўқир каби бирдамлик, маърифат каби саодат йўлини кўрсатувчи маёқларга зиён етказишни мўлжалларди. Улуғ шоир Чўлпон бу каби хоинларга шундай “хушхабар” юборганди: “*қайғурингиз: кишанларни ясовчи усталар, ...Сизнинг учун ёз бошининг қоридек эрув кунлар келади, ...Чикадирзан қуёшини сиз беҳуда Этак билан тўсмақ учун тиришманг...*”

Суҳбат асосига қурилган “Бедил” рисоласида Қутлуг, Рустам, Ҳамид, Эгамберди, Мулло Қурбон каби ёш зиёлилар гап-гаштак асносида Бедилнинг девонидан ўрин олган ғазал ва рубоийлар орқали ижтимоий-сиёсий муаммоларни муҳокама қилишади. Шоирнинг “*ҳаво-си бузулган қоронгу зиндонни бузуб, ташқариға, очиқ ҳавоға чиқиш керак*”, “*жаннатнинг орзусига берилиб, жаҳаннамнинг тубига тикилганларнинг*



қулғили ҳолларига кишининг қарағуси келмайдир”, “*золим ўрнини бир кун мазлум олади*” – олов оёқдан йиқилгач, жойини қул эгаллайди” каби сатрларидан Фитрат моҳирона фойдаланади.

Ёшлар узок давом этган суҳбат якунида она Туркистоннинг айнини дамдаги ижтимоий-сиёсий ҳолати ислохотга ўта муҳтож, деган хулосага келади. Маҳж-лис тугаб, Қутлуг ва Рустам Ҳамиддан кетиш учун изн сўрайди. Икки дўст зинадан тушар экан, муаллиф шундай ёзади: “*эшикдан чиқиб, ўлиқлар дунёсига ўхшаган жимжит кўчаларга кириб юра кетдилар*”. Ушбу жумладаги ҳар бир ибора рамздир: “**ўлиқлар дунёси**” – чорасизлик, лоқайдлик, илмсизлик орқасидан тирикларнинг яшаши ўлим-

дан баттар ҳолга тушиб қолган ўлкани; “**жимжит кўчалар**” – курашчанлик кайфиятининг таназзулга учраётгани, ваҳм ва даҳшат тиллари ва дилларига қулф урган шароитни; “**юра кетдилар**” бирикмаси эса азиз жонини фидо қилиб бўлса ҳам олдинга юришдай шарафли танловни акс эттиради.

Асар “Мумкинми?!” сўровидан бошланиб, “хайр, хўш” билан якунланади. Бу киноя бўлиб, “мумкинми?!” инсоннинг “мен”и қаршисига қўяётган саволи; сўниб бораётган ирода ва умид олдида қўяётган маънавий талабдир. Мазкур рақардан ниҳог ташланганда, “**мумкинми**” сўзи “*наҳотки мумкин бўлмаса*” деган акс моҳиятини ҳам англатади. Асарнинг хотима қисмида ёзилган “**Яна келасиз**”дан мурод эрк учун курашининг давомийлигига ишора.

Фитрат асари учун Мирзо Абдулқодир Бедил ижодини асос қилиб олгани беҳикмат эмас, албатта. Унинг асарларида инсон эрки, юрт озодлиги каби тушуналчар мураккаб, лекин жуда асосли фалсафий нуқтаи назардан талқин этилган. Бедил инсон ҳақиқий эркинликка фақат маърифат орқали эришади, деб ҳисоблайди. Бу эса жадидлар фаолиятининг негизини ташкил этгани сир эмас. Буюк шоир ва файласуф юрт озодлиги инсон онги ва руҳининг озодлигидан бошланади, деб ҳисоблаган. Унинг эрки, инсон ўзини англамагунча, юрт эрки ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Камол ҲАКИМОВ,
адабиётшунос

МАҲМУДУҲҶА БЕҲБУДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 150 ЙИЛЛИГИ

АЛЛОМАНИНГ БОҶИЙ ТИМСОЛИ

Туркистонда бир неча йиллар давомида совет большевиклари томонидан “Босмачилик ҳаракати” деб аталган, аслида эса миллий истиқлолчилик руҳидаги ҳаракатлар ҳамда “Миллий иттиҳод” деб номланган айблов ишлари натижасида – 1917–1924 йиллар оралиғида Усмон Ҳўжа (1878–1968), Садриддинхон Муфти Шарифхўжаев (1878–1946), Закий Валидий Тўғон (1890–1970), Тоҳир Чигатой (1902–1987), Абдулваҳоб Ўқтой (1904–1962) ва бошқа зиёлилар ватанни тарк этиб, хорижда ҳам ижтимоий-сиёсий фаолият олиб боришга мажбур бўлдилар.

Улар Туркистон халқининг мустақилликка оид талабларини жаҳон жамоатчилигига етказиш, дунё бўйлаб тарқалиб кетган мухожирларни умумий фикр ва мақсад атрофида бирлаштириш йўлида катта саъй-ҳаракатлар қилиб, эзгу мақсадларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришдилар.

Бу йўлда “Янги Туркистон”, “Ёш Туркистон”, “Миллий Туркистон”, “Туркистон саси”, “Садойи муҳожирин” каби кўплаб журнал нашр этилди. Уларда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар ва мулоҳазалар ҳам мунтазам эълон қилиб борилди.

Хусусан, Мунаввар қорининг Тошкентдаги “Намуна” мактабида таҳсил олган Абдулваҳоб Ўқтой ўзининг “Ёш Туркистон” журналида чоп этилган “Турк газетачилиғи” номли мақоласида Беҳбудийнинг матбуотчилик фаолияти хусусида қуйидагиларни ёзади: “Қозоқ”дан сўнгра чиқарилган газета “Самарқанд”дир ва Самарқандда чиқарилмишдир. Бу газетани чиқарган зот Туркистон жадидлик ҳаракатида ўзига хос ўрин тутган ислохотчиларимиздан марҳум муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий афандидир. “Самарқанд” газетаси ўз сўзлари ила айтганда “Маҳаллий туркий ва форсий ўрта шевада илм, фан, адабиёт, тижорат, ҳунар ва зироатдан, Русия аҳоли ва маданияти ва хорижия мамлакатлари ҳолидан ва олами ислом тирикчилигидан ёзғувчи мусаввири жарида” эди. Мамлакатдаги сиёсий вазиятни кўп яхши ангагон ва газетачилик ишларида анчагина тажрибага эга бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз газетасини цензура балосига учратмаслик учун сиёсий масалаларга оз мурожаат этмишдир. Мурожаат этганда ҳам эътидол ва эҳтиёт бўлган ҳолда қилган. “Самарқанд” газетаси энг кўп маданий, иқтисодий ва тирикчилик ишларига оид масалалар ила машғул бўлиб, ҳафтада икки маротаба чиқмишдир. Бироқ бора-бора моддий жиҳатдан сиқилиб 45-сони дунё юзига чиққондан сўнг ўз-ўзидан тўхташга мажбур бўлмишдир. Муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бош муҳаррирли-

ги остида чиққон бу газетага Саййид Ризо, Ҳожи Муин, Рожий, Сиддиқий, Нурмуҳаммад-бек, Нусратуллоҳ Мулло, Мулла Иброҳим Саййид Камол ўғли ва бошқалар қатнашганлар”.

“Миллий Туркистон”да чоп этилган Боймирза Ҳайитнинг “Миллий ҳуқуқ ва Туркистонда совет давлати аппарати” номли мақоласи ҳам долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради. Муаллиф мақоланинг кириш қисмида Чор Русияси Туркистон халқини истаганича эксплуатация қилиш учун барча йўлларни қидирганлигини, у халқимиз устидан ўзининг ҳарбий диктатурасини ўрнатиб, колониал-империалистик сиёсатини очикдан-очик юритганлигини, Чор Русияси ўрусларнинг устунлигини бошқа халқлар устида ўрнаштириш учун барча диққат-эътиборини бу ишга қаратганлигини, гарчи кейинчалик Чор ҳукумати ағдарилган бўлса-да, унинг ўрнига “большевизм” деган иккинчи бир бало Туркистонга олиб келинганлигини, бироқ бу билан ҳеч нима ўзгармасдан, ўтмишдаги колониал сиёсат илгиригидан ҳам кескинроқ тус олганлигини ёзади.

Боймирза Ҳайит ушбу мақоласида худди Маҳмудхўжа Беҳбудий сингари совет социализмининг асл юзи ва қиёфаси хусусида ўткир мулоҳазалар юритган ҳолда, большевиклар “дохийси” Ленин томонидан илгари сурилган “шов-шув”га бой бўлган таълимотларнинг тағи пуч экани, бу ҳақда ўз пайтида большевиклар ҳали ҳокимиятни эгалламасларидан аввал Беҳбудий ҳам огоҳлантирганлигини қайд этиб, большевиклар томонидан илгари сурилаётган ғоя ва таклифлар Туркистон халқининг миллий қадрият ва урф-одатларига мутлақо зид эканлигини очиб ташлайди.

Жумладан, муаллиф қуйидагиларни ёзади: “Ленин: “Биз миллий ўз-ўзини белгилаш ҳуқуқини, яъни миллатларнинг мустақил бўлишларини истаимиз, бироқ майда бўлиб ёки кичик давлат қуришни эмас, балким биз улкан давлат ва ҳақиқий демократик ва интернационалчилик принципларидаги миллатлар ҳуқуқини истаимиз”, дейдир. Лениннинг бу сўзлари марксизмнинг миллат масаласидаги башарасини [очик] кўрсатиб турмоқда: Агар миллат ўз ҳуқуқига, қонунига, эркинлигига ўзи эга бўлмаса, унинг нима фойдаси борки, “миллатни ўзини-ўзи белгилаш ҳуқуқи ва унинг мустақил бўлишлари” ҳақида сўз юритадир? Бунинг биз учун ҳеч бир фойдаси йўқдир. Миллат ўзининг ҳуқуқини, эркинлигини интернационалликдан ёки демократизмдан излаб топа олмайди. Миллатнинг миллий ҳуқуқи ёки мустақил бўлиб яшаши буларга боглиқ эмасдир. Лениннинг фикрича, миллатнинг мустақил бўлиб чиқиши катта бир давлат қуришликдан иборатдир. Худди мана шундай принцип асосида СССР қурилган – ташиқил этилгандир”.

“Миллий Туркистон” журналининг 1950 йил 66-сонида “Эртурк” таҳаллуси остида эълон қилинган “Маҳмудхўжа Беҳбудий” мақоласи ҳам катта аҳамиятга эга бўлган илмий материаллардан биридир. “Эртурк” ўз мақоласида Беҳбудийнинг фаолиятига доир янги ва қизиқарли маълумотларни келтириб ўтади. Унинг ёзишича, Беҳбудий Самарқанд шаҳрининг буюк бир диний оиласида туғилиб, ул биринчи таҳсилни Самарқандда, юқори таҳсилни эса Бухоро мадрасасида кўрган эди. Ул ўзининг мадраса ўқуви даврида Туркистон “қоронғу кечаларининг ёруғ юлдузи бўлган” Аҳмад Маъзум (1816–1896)нинг кўлөзмаларини



Марҳум муфтий Маҳмудхўжа Беҳбудий. “Ёш Туркистон” журнали, 45-сон. 1933 йил.

кўпроқ мутлола қилар эди. Бундан ташқари, у Бухоро улаомларидан Икром Домланинг тараққийпарвар тушунчаларига тарафдор бўлган. Шунинг учун ҳам Беҳбудийда 1910 йилдаёқ Туркистонда ўсаётган жадидлик ҳаракатига қизиқиш бошланган. Шу боисдан у шу йилнинг ўзида “Бухоро маориф жамияти”га бориб қўшилган.

Шу билан бирга мақолада Беҳбудийнинг рус тилини яхши билганлиги сабабли Абдурауф Фитратнинг Истанбулда 1911 йилда форс тилида ёзилб чоп этилган “Сайёҳи ҳинди” номли асарини 1912 йилда русчага таржима қилгани, 1913 йилда “Самарқанд”, 1913–1915 йилларда “Ойина” нашрларини чоп эттирганлиги, Убайдуллахўжа томонидан асос солинган “Садойи Туркистон” газетаси саҳифаларида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб борганлиги қайд этиб ўтилган.

Мақолада Беҳбудий энг олдинги сафларда туриб Туркистон халқи ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилган фидойи ва халқпарвар инсон, зулмга қарши тоғдек туриб берган алпқомат шахсият, Туркистон Мухториятини энг кўп тарғибот қилган журналист, миллий истиқлолчилик ҳаракатининг сиёсий ва маънавий йўлбошчиси сифатида тасвирланган.

Муаллифнинг ёзишича, Туркистонда бошланган миллий истиқлолчилик ҳаракатининг бош лидери Маҳмудхўжа Беҳбудий эди. Жумладан, мақолада қуйидагилар келтирилади: “Туркистонда “Беклар” ҳаракати (босмачилик)нинг бошланиши Беҳбудий учун руҳий озук берди. У қуролли кучлар билан мамла-

катимизнинг озод бўлишига ишонч ҳосил қилди. Беҳбудий 1919 йил 10 январь кунини Тошкентда бўлажак кўзғолонга Туркистон йигитларини Чотқол тоғида бўлган бир бўлагини ёрдамга келишини уюштириш вазифасини олган эди. Бироқ қуролли кучлар этиб келмасдан аввал кўзғолон бошланди ва тез орада енгилди. Чотқолдаги Туркистон қуролли кучлари Беҳбудийнинг истаги бўйича ўз юришларини тўхтатдилар”.

Айниқса, “Эртурк” Беҳбудийнинг ўлдирилиши тарихига тўхталар экан, жуда қизиқ фактларни келтириб ўтади. Жумладан, шундай ёзади: “Беҳбудий Қарши шаҳрида ўз олдида қўйган вазифаларини бажаришга уринар экан, қизил Русиянинг Бухоро элчихона хизматчиси Уткин воситаси ила амир томонидан тутулди. Беҳбудий амирнинг Қарши шаҳридаги волиёси Нуриддин Оғалиқ томонидан 1919 йилнинг 25 мартида ваҳшиёна ўлдирилди. Бул эса бир ниқоб эди, холос. Ҳақиқатда эса Беҳбудийни амир воситаси ила ўлдириш рус большевикларининг совет комиссариати томонидан уюштирилганлиги аниқланди. Бунини собиқ Туркистон Шўро Жумҳуриясининг ҳарбий вазирни Осипов 1919 йил Бухорога келган вақтида “Ёш бухороликлар жамияти”га берган баённомасида билдирган эди”.

Беҳбудийнинг обрў-эътибори шу даражада баланд эдики, кейинчалик большевиклар унинг номидан бир неча йиллар мобайнида ўзларининг чиркин мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланади. “Эртурк” мақоласида бу тўғрида ҳам маълумотлар келтирилган экан, ёзади: “Большевиклар Беҳбудий номидан ғайри узвий равишда фойдаланиб келдилар. Улар 1934-1935 йилларгача Беҳбудийни Туркистонда “Коммунизм мафқурасининг бошланғич ходими” деб кўрсатиб келдилар. Ҳатто унинг адабий фаолиятини мактабларда ўз кўз қарашлари бўйича ўргатишга ҳам йўл қўйиб бердилар. Халқни Советга тамоман хайрихоҳ қилиб боғлаб олишлик учун Қарши шаҳрини Беҳбудий деб ўзгартиришгача этиб бордилар. Шундай қилиб Беҳбудий номи 1935 йилгача большевикларнинг оғизларида ҳар кунни зикр қилиниб келди. Қачонки большевиклар мафқура майдонидан енгиб чиққан куч бўлиб ўртага чиққанидан кейингина Беҳбудий номини сўзлашликдан воз кечдилар. Агар у ҳақида гапирсалар ҳам уни “совет душмани”, “буржуа миллатчилар мафқурачиси ва намоёндаси”, “Англия империализмининг агенти” деб сўзлайдиган бўлдилар. Бироқ Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ёш авлодга қолдирган насиҳатлари миллатимизнинг қалбида шон ва шараф-ла ҳар доим сақланиб қолажакдир”.

Хулоса ўрнида таъкидлаганда, Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва фаолияти зулм ва истибдод натижасида Туркистонни тарк этган мухожир жадидлар учун ибратли ҳаёт мактаби ўлароқ хизмат қилди. Бу улуг сиймоннинг босиб ўтган шарафли йўли муҳожиротда яшаб, ватан озодлиги йўлида курашаётган минглаб туркистонликларнинг қалбига нур ва шукўҳ солиб турди. Мухожир зиёлилар матбуотида чоп этилган ўнлаб мақолалар ҳам шундан гувоҳлик бермоқда.

Муслимбек АЛИЖОНОВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси



ХОТИРА АЗИЗ

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда). **Муҳаммадамин Соҳибов** – 1902 йилда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. Ер-сув ислохотида қадар 100 таноб ери бўлган, қулоққа тортилган. 1920 йили миллий озодлик ҳаракати вакилларини қурол-яроғ билан таъминлагани учун 5 йилга қамалган.

Кейинроқ Ленин туман икромия кўмитаси халқ ҳўжалиғи ҳисоб бўлими инструктори сифатида ишлаган. 1937 йил 23 августда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиғи туман бўлими томонидан ҳибсга олинган. У советларга қарши “Ҳақиқат” гуруҳи, “Миллий иттиҳод” ташкилоти билан алоқада бўлганлиқда айбланиб, ЎзССР ИИХК ҳузуридаги “Учлик”нинг 1937 йил 13 ноябрдаги қарори билан отувга ҳукм қилинган.

Аббас Алмасов – 1903 йилда туғилган, олий маълумотли. Юқори салоҳияти сабабли жуда эрта раҳбарлик лавозимларига тайинланади. Бир неча йил Марғилон шаҳри ва Бағдод тумани партия кўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлайди.

1933 йилда ЎзССР Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби Акмал Икромов томонидан “Миллий истиқлол” ташкилотига жалб этилгани учун 1937 йил 15 октябрда олий жазо берилади. Ҳукм ўша кунгидея ижро этилган. 1958 йил 25 ноябрда реабилитация қилинган.

Абдулла Рўзибоев – 1900 йилда Олмаота шаҳридаги савдогарлар оиласида туғилган. ЎзССР Халқ маорифи халқ комиссари, Бағдод туман партия кўмитаси котиби лавозимларида меҳнат қилган.

“Миллий истиқлол” ташкилотига Акмал Икромов томонидан жалб этилганлиқда, совет ҳокимиятини ағдарш ҳамда Ўзбекистонда буржуазия тузумини ташкил этишда айбланган. У СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр мажлиси томонидан 1938 йил 14 октябрда отувга ҳукм қилинган. 1957 йил 20 ноябрда реабилитация қилинган.

Ўзоқбой Маманосупов – 1886 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта. Сўх сув ҳўжалиғи тизими бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган.

“Миллий истиқлол” ташкилотига Содиқжон Болтабоев томонидан жалб этилгани, Ўзбекистонда совет ҳокимиятини ағдаршга қаратилган фаолият билан шўғуллангани учун ҳибсга олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 8 октябрдаги сайёр мажлисида отувга ҳукм қилинган. 1958 йилда реабилитация қилинган.

Маҳмуд Мадраимов – 1898 йилда Қўқон шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Қўқон шаҳар партия комитетида инструктор, прокурор бўлиб ишлаган. Ўзбекистон бош прокурори Шамсиддин Бадриддинов қатагон қилинганда Маҳмуд Мадраимов ҳам миллатчи ва аксил-инқилобчи сифатида айбланган ва лавозимидан четлатилган.

“Миллий истиқлол” ташкилотининг аъзоси сифатида қолхозларга миллий озодлик ҳаракати вакилларини жойлаштириш, уларни яшириш ва қўллаб-қувватлашда айбланган. 1938 йил 14 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр мажлиси қарорига кўра отувга ҳукм қилинган. 1958 йилда реабилитация қилинган.

Турсун Аҳмадхўжаев – 1898 йили Марғилон шаҳрида туғилган. Наманган уезд-шаҳар икромия комитетининг раиси вазифасида фаолият кўрсатган.

Унга нисбатан Совет ҳокимиятига қарши қайфиятда бўлгани, 1936 йили Намангандаги исёвчи ташкилотнинг аъзоси сифатида совет органларига қарши кураш олиб борганлиқда айбланиб 1937 йил 27 ноябрда терговчилар томонидан 12676-сонли иш кўзғатилган.


Оқибатда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг Тошкентда ўтказилган 1938 йил 14 октябрдаги сайёр мажлисида 36 нафар маҳбус отувга ҳукм этилган. Отилганлар рўйхатининг саккизинчиси Аҳмадхўжаев Турсун бўлган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

Азизбек МАҲКАМОВ,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).



“

Беҳбудийнинг “Ойина” журнали Ўрта Осиёликларни Париждан Японияга қадар бўлган мамлакатлар билан таништирган бўлса, “Саёҳат хотиралари” Туркистон аҳли учун асосан мусулмонлар яшайдиган Шарқни кашф қилди.

”

Ингеборд БАЛДАУФ

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

“Падаркуш” драмасидаги бадавлат, аммо маънавий қашшоқ ота образи орқали Маҳмудхўжа Беҳбудий замона бойларининг типик образини яратган. Аммо истиснолар ҳам йўқ эмасди. XX аср бошларида минтақада маърифатли зодагонлар ҳам топиладди. Улардан бири нуроталик Қозоқбой бўлиб, етти авлодига етадиган хазиналарга кўмилиб яшар эди. Шунга қарамай, ўғли Болтанинг эркатой, ялқов ва ишратпараст бўлиб улғайишини истамайдиган. Эрта кундан илмга ошно қилиш ҳаракатига тушади. Бу йўлда тажрибали муаллимларга шоғирдликка бериб, фарзандини ҳофизга Қуръон ва араб тили билимдони қилиб тарбиялайди. Қозоқбой хат-саводи ҳадди аълосига етган дилбандини ёнига олиб, 1909 йилда оғир ва машаққатли ҳаж амалларини адо этади. Дунё кезиб қайтган Болтани ҳамқишлоқлари Ҳожи Болта деб эъозлашарди.

Ҳожи Болта замонасининг фозилларидан бўлган. У Файзулло Ҳўжаев билан Мир Араб мадрасасида ўқиган. Икки маслакдош жадидлар са-

фида юртни озод қилишга, маорифда ислохотларни амалга оширишга бел боғлашди. Ҳўжаев сиёсий фаолиятга шўғлиб кетган бир пайтда Болта 1916–1920 йилларда мадрасада янгича усуллар асосида дарс бера бошлайди.

Амирлик тугатилгач, совет сиёсати воқеалар ривожини тескари томонга айлантириб юборди. Нуротанинг Осиё баланд маҳалласида истиқомат қилган Болта мударрис 1932 йилда солиқ комиссияси йиғилиши қарори билан қулоқ қилинади. Илми уни очлик ва қашшоқликдан сақлаб қолади. Аммо вақт ўтиб ана шу илми учун таъйибга учрайди.

1937 йилга келиб Файзулла Ҳўжаев қамоққа олинади. У бир йўлини қилиб, дўстини огоҳлантиради: “Ҳожи, қатагон рўйхатида сиз ҳам борсиз. Хатни олгач, уни йўқ қилинг ва зудлик билан ўзингизни четга олинг”.

Бу хабар етгач, Ҳожи Болта катта ўғли Аҳмад билан яширин йўллар орқали Душанбега кетади. Эртаси кунни НКВД ва ГПУ одамлари Гулов деган “қизил комиссар” бошчилигида Болтанинг ота уйига бостириб келади. Уй соҳибининг қочгани аниқ бўл-

гач, оиласи сиқувга олинади. Оқибатда, икки гектарлик ҳовли ва бор мол-мулк мусодара қилиниб, болачақалар бир жуфт кўрпа-ёстиқ билан кўчада қолади.

Кўп ўтмай Душанбеда ҳам қора кунлар бошланади. 1939 йилда Ҳожи Болта дўсти Садриддин Айнийдан махфий мактуб олади ва Қарши шаҳрига келади. Исковчулар уни дунёнинг нариги четидан ҳам топиб олишга қасд қилганди. Бироқ улардан олдин, 1940 йилда ажал ўқи нишонига беҳато тегди...

Айнийнинг хайрихоҳлиги бегараз бўлиб, бир муддат олдин Ҳожи Болта домланинг Муслихондин исмли ўн олти яшар илмли, фаол хиянини бир ойдан кўпроқ уйда яшириб қўйган эди. Бу йигит ҳам жадидлар ҳаракати фаолларидаан бўлиб, гўзал шеърлар ёзарди. Унинг форс-тожик тилидаги байти ёзилган дастхат ўзи турган болохона деворида қолган. Мазмунини бундай:

Бино деворига ёздим изҳора,
Бу мен бечорадан бўлар нишона.
Билсинлар, бу мискин
нечун дарбадар:
Уни сарсон этди расво замона.

Дарҳақиқат, у кунларда “Алишер Навоий” драмасида ёзилгандай, “адолатнинг дояси ҳақсизлик, мурувват ва шафқат гулзорининг боғини зулм эмиш. Замон донога дор, жоҳил учун ёр” эди. Бу дорга нафақат зиёлиларнинг, балки уларнинг оила аъзолари ва яқинларининг ҳам боши тикилган бўлиб, қатагон машинаси бутун-бутун сулоаларни янчиб ташлаган эди.

Бу мўъжаз тарих кимгадир ёднома, кимгадир панд, кимгадир дарак. Ким қандай қабул этмасин, замирида “бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қил” деган ҳақиқат ётади. Қарангки, юз йил олдин илмини чароғ қилган зиёлилар бешафқат қувгинга олинди, қамоққа солиниб, ваҳшийларча қатагон қилинган бўлса, бугун янги сиёсат шарофати ила айни ана шундай элимиз ойдинлари ардоқда, обрў-эътиборда. Афсуски, биз хом сут эмган бандалар ўз аждодларимизнинг бир кунлик азоб-укубатларини ҳам тасаввур этолмаймиз, баски, бугуннинг ҳам шафоатини аниқ-тиниқ баҳолай билмаймиз.

Дарвоқе, олтин қонидан олтин чиқмай қолмас экан. Ҳожи Болтага



Бошланиши 1-саҳифада.

Айниқса, машхур санъаткорларнинг чекка ҳудудлардаги аҳоли билан учрашувлари, зиёлилар билан бўлган суҳбатлар эсда қоларли воқелик бўлди.

“Инсон қадри”, “Дилдаги гаплар”, “Маслаҳат оши”, “Фаровон ҳаётга илк қадам”, “Бахтли болалик шарафига”, “Шижоат” каби лойиҳалар, “Китоб марафони” акцияси, “Қасамёд” спектакли намойиши, “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остидаги гала-концерт дастурларининг халқчилиги ва ранг-баранглигига алоҳида аҳамият қаратилган.

— 34 йил тарих учун ниҳоятда қисқа давр, бироқ шу вақт ичида миллат тақдири, тарихи, келажаги учун жуда катта иш қилинди. Хусусан, Учинчи Ренессанс ғояси, Янги Ўзбекистон ғояси — булар дунё омонат бўлиб турган бир пайтда янги тафаккурдаги миллатни шакллантириш билан боғлиқ бўлган, бутунлай янги фикр қиладиган фуқаролик жамияти билан боғлиқ жуда катта сиёсий, маънавий, маърифий ҳодисадир, — дейди сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраев. — Фестиваль доирасида мен юртдошларим нигоҳида келажакка бўлган катта ишонч, умидни кўрдим. Ана шу ҳолат жамиятнинг истикболини ҳам белгилайди, давлат қудратига асос бўлади. Бу каби фестиваллар халқни бирлаштиради, бир мақсад йўлида жам қилибгина қолмасдан, уларда она юртга чексиз муҳаббатни уйғотади.

Ўзбекистон халқ артисти Замира Сууюнова ҳам Ватан ичра сафарларда туғилган таассуротлари билан бўлишди:

— Ҳудудларга чиқар эканмиз, хўроз барча ерда бир хил қичқираётганига гувоҳ бўляпмиз. Туман марказида йўллар қандай раво



МУЛОҚОТ ЭҲТИЁЖИ

бўлса, чекка қишлоқларда ҳам ана шу сифатдаги раволикка гувоҳ бўляпмиз. Тоғли ҳудудлар аҳолиси марказга қатнашга қийналар эди. Аммо бугун бунга эҳтиёж қолмабди: барча керакли дўконлар, хизмат кўрсатиш шохобчалари қишлоқнинг ўзида тадбиркорлар томонидан муҳайё қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида “Маслаҳат оши” лойиҳаси амалга оширилди. Унда жамиятда миллий урф-одат ва аънавларни асраб-авайлаш, уларни замонавий ҳаёт талабларига мос ҳолда давом эттириш, исрофгарчиликнинг олдини олиш, ижтимоий бирдамлик ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида оилавий маросимлар маданиятини юксалтиришга қаратилган очиқ мулоқот ва тарғибот ишлари ўтказилди.

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида ёшлар ва кенг жамоатчилик қалбида миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, бирдамлик туйғуларини

мустаҳкамлаш, ижтимоий фаоллиқни рағбатлантириш, ижодкор ёшлар ва санъат вакиллариининг истеъдодини кенг оммага намойиш этиш мақсадида гала-концерт ўтказилди. Дастурда фақат таниқли санъаткорлар эмас, маҳаллий



ижодкорлар, болалар ансамбллари ҳам кенг ўрин ажратилди.

Шу ўринда яна тарғиботчиларимизнинг фикрларини келтириб ўтишни жоиз топдик:

— Фестиваль доирасида халқимизни миллий қадриятлар ва

маънавий бойликларга яқинлаштириш, уларни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга ундаш, оилавий ва жамиятдаги бирдамлик ҳамда тотувлиқни мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар илгари сурилмоқда, — дейди юридик фанлар



доктори, профессор Феруза Муҳиддинова. — Ҳуқуқшунос олима сифатида лойиҳалар доирасида аҳолига ажримларнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатлари тамойиллари ҳақида

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Менимча, одамзоднинг чекига тушган энг даҳшатли фожиа Ватанни ҳимоя қила билмасликдир. Бундай кўргиллик ҳеч бир банданинг бошига тушмасин.

Аллоҳга шукр, бизда чегараси мустаҳкам, манзиллари обод она Ватан бор. Барчамиз унинг меҳри, тафти, ардоғи ва сийлови билан хушвақтимиз. Пешонамизнинг олти қаричлиги ҳам шундан. Дунёда ҳамма учун ўз ватанидан яхши жой топилабди.

Ватан йиқилганинда тоғдек елкасини тутати, озор чекканингда онанг каби беминнат меҳр кўрсатади. Ватанинг бўлса қаддинг букилмайди, қиличдек тик ва кескир бўлиб яшайсан. Шундай ватанни севмай, қизғонмай, асрамай бўладими?

Унутма! Ватан бу... Унда эркин ва эрқаланиб яшайсан, мол-давлатинг бўлмаса, ундан наҳот кутасан. Соғлигинг кетганда, муродингга етолмаганингда унга мурожаат қиласан. Уй-жойинг бўлмаса, беминнат бошпана сўрай оласан. Янглишсанг, у тўғри йўлга солиб қўяди, онанг каби кечиради. Суринсанг, Ватан тупро-



ИНСОНИЙ ИШДАН ЧЕТДА ҚОЛМА!

ғига қулайсан. Ғолиб бўлсанг, мукофотларнинг энг зўрини оласан, мағлуб бўлсанг, руҳлантиради. Дарахт эксанг, Ватан ичида бетакор Ватан бунёд қиласан. Кимлигингни Ватанингга қараб англайдилар ва тушунадилар.

Кўрдингми, Ватанинг бор — шунча нарсанг бор. Дунёда сендан бахтли одам топилабди. Шунинг учун

кўникмалар бериб ўтдим. Айтиш кераки, халқнинг кўзида қувонч, ўз ҳуқуқий саводхонлигини оширишга бўлган қизиқиши менда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль доирасида “Қасамёд” спектакли жамоатчилиққа тақдим этилди. Саҳна асари ёш авлодда тарихий хотирага ҳурмат, юртга садоқат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Пьесага Баҳром Ирзаевнинг “Германияда таълим олган Туркистон ёшлари” китоби асос қилиб олинган. Унда ўтган асрнинг 20-йилларида жаҳидлар асос солган “Кўмак” уюшмаси томонидан ўқишга юборилган талабаларнинг аянчли тақдири очиб берилган.

— Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги мусиқали драма театрида намойиш этилган “Қасамёд” спектакли менда катта таассурот қолдирди, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Зокирова. — Профессионал актриса сифатида мен ушбу саҳна асарини жуда юқори баҳолайман. Она Ватан равақи йўлида жонини фидо қилган жаҳид боболаримиз, қатагон қилинган миллатимиз фарзандларининг машаққатли ва шарафли ҳаёт йўлидан бугунги ёшларимиз ҳам ибрат олиши, яратилган кенг имкониятлардан тўғри фойдаланиб, вақтни зое кетказмай ўқиши, ўрганиши, илм-маърифатга интилиши лозим.

Албатта, бундай учрашувлар исиз кетмайди. Чунки қаерда яшашидан қатъи назар, инсон ҳамиша мулоқотга, дунёдан бохабар бўлишга, замона қадамига ўз одими чўғштириб кўришга табиий эҳтиёж сезади. Шунингдек, бу каби фестиваллар ижодкор зиёлиларга ҳам куч ва ғайрат, илҳому шижоат бахш этиши, шубҳасиз.

Баҳора АҲМЕДОВА

ТИЛБИЛИМ

БЕКАТ



Тилимизда ихчам ва жозибали бир сўз бор — “бекат”, бироқ у Навоий асарлари ёки ундан олдинги битикларда учрамайди, демак, бу сўз кейинги даврларда пайдо бўлган. Шундай бўлса-да, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да унга “тар”, яъни “тарихга оид” деб нисбат берилган.

Тилимизда узоқ ўтмишдан яшаб келаятган “бек” ўзаги мавжуд, уни биз ҳатто энг қадимги туркий битикларда ҳам учратамиз. Мутахассисларга кўра, бу сўзнинг дастлабки маъноси: “маҳкамламоқ, мустаҳкамламоқ”, энг қадимги қўриқни эса “бек” бўлган деб таҳмин этилади. Шу боис ҳозир ҳам тилимизда “бек” ҳам, “бек” ҳам бир маънода ишлатилади. Маҳмуд Кошгарий “Девону луғотит-турк”да мазкур ўзақдан ясалган кўплаб феълларни келтиради. Айтилиқ, “бёқлэди” — бекитди, сақлади; “бёқлэнди” — мустаҳкамланди, турғунланди, қамалди; “бёқлэти” — қаматтирди, сақлашга буюрди; “бёқүди” — бекитди, маҳкамланди. “Девон”да яна бир ўринда “бек” ўзагига сифат ясовчи “-үт” қўшимчаси қўшиб ясалган “бекритилган” маъносидagi “бёқүт” сўзи ҳам келтирилган: “яшут бёқүт — яшириладиган, беркириладиган нарс”. Ҳозир ҳам тилимизда “беки”, “бекилмоқ”, “бекилмоқ” каби феъллар фаол. Бу сўзнинг бошқа бир маънодоши “ёпмоқ”, яъни “ашиқни бекит” ва “ашиқни ёп” бир маънога эга.

Қадимда турк тилларида феълдан от ясовчи “-үт” қўшимчаси ҳам бўлган, “Девон”дан бунга мисол тариқасида “кэзүт”, “көчүт”, “качүт”, “көчүт”, “кулут” каби сўзларни келтириш мумкин. “Кэзүт”нинг маъноси “кэз” (“кэй”) ўзагига “-үт” қўшимчасини қўшиб ясалган, бу сўзни ҳозир ҳам “кўчат” шаклида, фақат “от-улов” эмас, кўчириб экиладиган ниҳолга нисбатан ишлатамиз. Гувоҳи бўлганимиздек, қадимги туркийдаги от ясовчи “-үт” қўшимчаси

кейинчалик “-ат”га айланган. Бунга мисол тариқасида “кўкат” (“кўк”+“-ат”), “эгат” (“эк”+“-ат”) каби сўзларни ҳам келтириш мумкин. Баъзи ўзақларга эса “-т”, “-ит” қўшилиб феълдан от ясалган (“уят” — уй-атат, “ийгит” — йиг-ит, “чигит” — чыг-ит, “чикит” — чык-ит).

“Бекат” ҳам, бизнингча шу қоидага кўра, “бек” ўзагига “-ат”ни қўшиб ясалган сўзидир. “Бекинмоқ” феъли луғатда “ўзини панага олмоқ” деб изоҳланган, “кўшдан бекинмоқ”, “ёмғирдан бекинмоқ” деймиз, яъни “бекат” — усти бекитилган ёки ёпилган, пана, йўлда вақтинча тин олиш жойи. Шу маънода у французча “abribus”га яқин, француз тилида “abri” — “пана, бошпана”, “абрибус” эса — автобус қутилидиган жойларда ўрнатилган қурилма, бошпана, бекат. Қолаверса, “бек” ўзагининг “берк”, “пана”, “бекинмоқ”, “сақланмоқ”, “бекиниб қутиб турмоқ” каби луғавий маънолари бундай иншоотлар хусусиятларига тўла мос келади (кейинчалик усмонли туркчасида “бекламоқ” (“beklemek”) феълнинг “кутмоқ” маъноси ҳам пайдо бўлган).

XIX аср охирида юртимизга темир йўл, почта каби янги инфратузилмалар, шу билан бирга янги атамалар ҳам кириб келди. Шундай атамалардан бири — “станция” (фр. “station”) ўрнида ўшанда тилимиздаги “бекат” сўзи — “темир йўл бекати”, “почта бекати” тарзида қўлланиши чинакам топила бўлган. Бу сўз айниқса автобус, трамвай, троллейбус, метро каби йўловчи ташиш транспортлари йўлларидаги йўловчи олиш ва тушириш манзиллари учун узукка кўз кўйгандек мос келар эди. Аммо совет давридаги норасмий чеклов, руслаштириш сиёсати оқибатида унинг кенг жойи этилишига йўл берилмаган, шу боис совет даврида “автобус остановкаси”, “метро станцияси”, “темир йўл станцияси” дейиш кўпроқ удум бўлган.

Мустақилликдан кейин бу сўзнинг иккинчи умри бошланди дейиш мумкин, “метро бекати” ёки “ер ости бекатлари”, “автобус бекати”, “темир йўл бекати”, “бекатча” (“полустанок”) каби совет даврида кўпроқ бадий асарларда яшаган сўзлар ҳаётга тўлақонли қайтди.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

“ЖАДИД БОБОМГА МАКТУБ”

ҚИРҚ МИНГГА ЯҚИН ИНШО САРАЛАНМОҚДА

Ҳурматли муштарий, хабарингиз бор, аввалроқ “Jadid” газетаси ҳамда Мактабча ва мактаб таълими вазирлиги ҳамкорлигида эълон қилинган “Jadid bobomga maktub” ижодий танловига иншолар қабул қилиш жараёни ниҳоясига етганини маълум қилгандик.

Аммо юзага келган шароит боис танлов талабига жузъий таҳрир киритишга тўғри келди. Биринчидан, танловга ижодий ишларни қабул қилиш аллақачон якунланган бўлса-да, почта орқали юборилган иншолар таҳририятга бир неча кун кечикиб келганини ҳисобга олиб, қўшимча мактублар юборилган санасига қараб қабул қилинди. Иккинчидан, келган конвертлар ичидан беш-олти, ҳатто ўнлаб дафтарлар чиқди. Бу эса бизни қайта ҳисоблашга ундади. Натижада, танловга тақдим этилган ижодий ишлар сони қарийб 40 мингга етди.

Икки кун давомида малакали педагоглардан иборат жамоа таҳририят биносида фақатгина почтадан юборилган мингдан ошиқ иншо текширишга улғурди. Шу билан бирга, 110 нафар ўқитувчидан иборат иккинчи гуруҳ бир ҳафтадан бери, ҳатто ҳозир ҳам, махсус бот орқали келган 38 мингдан зиёд иншо текширяпти. Ҳеч бир иншо зийрак устозларимиз назаридан четда қолмайди. Биринчи босқичда сараланган мактубларни жаҳидшунос олимлар, таникли ижодкорлар, адабиётшунослардан иборат яна бир



МАЪМУРИЯТ

гуруҳ ўрганади ва якуний ҳулосаларни тақдим этади. “Jadid” газетаси таҳририяти барча иштирокчиларга самимий миннатдорлик изҳор этади! Танловга йўлланган ҳар бир мактуб, ҳар бир сатр жаҳид боболар меросига бўлган чуқур эҳтиромнинг ёрқин намунасикидир. Танлов ғолиблари ўқув йилининг дастлабки кунларида эълон қилиниб, тантанали равишда тақдирланади.

Jadid

jadid, shay-ma'rifat va ijtimoiy adabiyot gazetasi

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИМИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИБош муҳаррир:
Иқбол МирзоМасъул котиб:
Шухрат АзизовНавбатчи муҳаррир:
Гулчехра УмароваСаҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади — 19 100

Шундан:

Кирилл ёзувида — 7 447

Лотин ёзувида — 11 653

Медиа кузатувчилар — 88 321

Бююртма: Г — 839

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи — 222.

Ташкилотлар учун — 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” наشريёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz